Алишер АЗИЗХЎЖАЕВ,
профессор

# МУСТАҚИЛЛИК, МАЪНАВИЯТ ВА ИЛМ-ФАН

## ИЖТИМОИЙ, ГУМАНИТАР ФАНЛАР ОЛДИДА ТУРГАН ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР

Бу йил халқимиз улуғ байрам — давлатимиз мустақиллигининг беш йиллигини катта шодиёналар билан нишонлади. Мустақиллик куни биз учун энг мўътабар ва ардоқли байрам. Аммо бу йилги байрамнинг алоҳида мазмуни, аҳамияти бор. Чунки беш йил ўзига хос яхлит бир тарихий давр. Биз энди беш йиллик мустақил ҳаётимизда эришган ютуқларни сарҳисоб қилишимиз, ўтган йилга назар ташлаб, янги вазифаларни белгилаб олишимиз мумкин. Хўш, беш йиллик даврга умумий баҳо берадиган бўлсак, биз нималарга эришдик, мустақиллик бизга нима берди, танлаган тараққиёт йўлимиз тўғрими, деган саволлар туғилиши табиий. Биз шуни мамнуният ва камол қониқиш билан қайд этамизки, мустақилликнинг дастлабки йилларида муҳтарам Президентимиз И. А. Каримов ишлаб чиққан ва ҳаётга тадбиқ бўлаётган тараққиёт ва ривожланиш дастури тўла равишда ўзини оқлади, ҳаёт Ўзбекистон танлаган ўзига хос йўлнинг тўғри эканлигини тасдиқлади.

Республикамизнинг халқаро обрўйи, шон-шуҳрати кундан-кун ортиб бормоқда. Ўзбекистоннинг ўзига хос ички ва ташқи сиёсатининг аниқ тамойиллари шаклланди, иқтисодий тараққиётнинг моддий асослари яратилди. Халқимиз янгича фикрлайдиган, бозор муносабатларига кўникиб, ишбилармонлик ва тадбиркорликда жадал ва фаол ҳаракат қиладиган бўлди. Эски мафкура тазйиқидан қутулиб бормоқдамиз. Ижтимоий фанлар тараққиётида муайян ўзгаришлар кўзга чалинмоқда, босилаётган китобларда Истиқлол руҳи, янги қарашларни ифодалашга интилишни сезиш мумкин. Тарихшунослик, адабиётшунослик каби фанларда илмий ҳақиқатларни излаш ва холисона ёритиш, халқимиз ўтмиши ва ижодини ҳаққоний акс эттиришга киришилди. Шуни алоҳида таъкидлашим керакки, иқтисодий қийинчиликларга қарамай, фанимизнинг асосий йўналишларида тадқиқотлар тўхтагани йўқ, юрагида ватанпарварлик ҳисси жўш урган олимларимиз маънавий бойликларимизни ўрганиш, манбаъларни нашр эттиришда сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқдаки, бу албатта бизнинг ифтихоримиздир.

Ушбу тадқиқотлар, жонбозликлар туфайли миллий қадриятларимиз, маънавий меросимиз янги босқичда тикланишга, мустақил юксалиш йўлига ўтди.

Мустақиллигимизнинг 5 йили давомида миллий маънавий меросимизни бутун яхлитлиги, кўлами билан халққа қайтариш соҳасида диққатга сазовор ишлар амалга оширилди.

Аввало, бу соҳада Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг алоҳида эътибори, катта хизматларини таъкидлаш лозим бўлади.

Президент иқтисодий ва сиёсий-ижтимоий масалалар билан маънавият соҳасини тенг қўйиб, баробар олиб бормоқда. Халқнинг маънавий тарбияси пировард натижада буюк ва мустақил Ўзбекистон давлатининг юксалиши учун асосий, етакчи омил эканлигини юртбошимиз аввал бошданоқ чуқур ҳис этиб, ҳар бир нутқ ва маърузасида буни қайд этмоқда, ҳар бир қарор ва фармойишида ҳисобга олмоқда.

Миллий маънавиятимизнинг қарамлик даврида қатағон бўлган, тақиқланган кўп йўналишлари мустақиллик шарофати билан қайта ёдга олинди, халқ руҳида тикланди. Баҳовуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий сингари ирфоний тафаккур намояндалари — буюк сўфий шайхларининг таваллуд айёмларини хотирланиб, мамлакатда кенг нишонланди. Уларнинг асарлари, улар ҳақида тадқиқотлар босилиб чиқди. Матбуотда, радио ва ойнаи жаҳонда мазмунли суҳбатлар уюштирилди.

Собиқ совет даврида ҳатто номларини тилга олиш тақиқ қилинган буюк давлат арбобларимиз, саркардаларимиз фаолиятини кенг ўрганиш ҳам мустақиллик даврида бошланди.

Муҳаммад Раҳимхон Соний (Фируз)нинг ижодий ва маърифатчилик фаолиятига ёритувчи қатор тадқиқот ва рисолалар нашр этилди. Бобур, Шайбонийхон, Убайдуллахон ҳақида, улар ижодий меросига бағишланган нашрлар юзага чиқди.

Мустақиллигимиз давридаги энг катта ютуқлардан бири қудратли бобокалонимиз, жаҳоншумул саркарда ва салтанат соҳиби Амир Темурнинг миллат олдидаги хизматлари ва ҳақиқий мавқеининг тикланиши бўлди.

Собиқ совет даврида ушбу буюк шахс ҳақида ҳатто танқидий руҳда ҳам мулоҳаза юритиш номақбул ҳисобланарди. Унинг тарих олдидаги хизматларини шунчаки тан олмоқчи бўлган академиклар ҳам ёмон отлиқ қилинган эди.

Мана энди, Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, Амир Темурнинг салобатли ҳайкали шаҳримизнинг марказий хиёбонини безаб турибди. Амир Темур ва темурийлар даврига бағишланган ҳашаматли музей қуриб битказилмоқда. Мустақиллигимизнинг бешинчи йили Амир Темур йили деб эълон қилинди. Европанинг қоқ маркази, Парижда улуғ саркарда ва давлат арбобига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Амир Темур жамғармаси ташкил қилинди, у ҳақда қатор китоблар, илмий тадқиқотлар нашр этилмоқда.

Яқин ўтмишда оёқ ости этилган, қораланган ва таъқиб остига олинган халқимизнинг диний қадриятлари ўз мавқеини қайта тиклай бошлади. Ўлкамизнинг ҳар бир қишлоғи, маҳалласида масжидлар ишга тушди, ҳар йили минг-минг ихлосмандлар ҳаж зиёратига йўл олмоқдалар. Ислом ахлоқининг табаррук қадриятлари халқ маънавий қиёфасини эзгулик сари юзлантирмоқда. Диний билимлар берувчи кўплаб китоб ва рисолалар, алоҳида жарида (газета), ойнома нашр этилмоқда. Уламоларимизнинг эл орасида обрўйи ошиб бормоқда. Шу билан бирга дин арбоблари диний таассуб (фанатизм), ножоиз хурофот ва бидъатлар, диний туйғудан сиёсий ва ёки бошқа ғаразли мақсадларда фойдаланиш майлларига кескин қарши турмоқдалар, бу соҳада марказда ва вилоятларда тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Аста-секин диний ва дунёвий илм аҳллари орасида бир-бирига холис муносабат, илмий ҳамкорлик юзага келмоқда. Эътиқод ва илмни бир-бирига қарши қўйиш асоратлари бартараф этилмоқда. Дунёни англаб етишнинг турли йўналишлари бир-бирини тўлдириб, инсон маънавиятини мукаммал ва баркамол бўлиб етишувига хизмат қилиши аён бўлиб бормоқда, бу соҳадаги ўтмиш аждодларимиз эришган ютуқлар қайта тикланмоқда. Жумладан, тасаввуф ва ирфонни ўрганишга олимларимиз жиддий киришдилар.

Адабиёт, фалсафа, тарих, ҳуқуқшунослик, ахлоқшунослик ва бошқа соҳаларда асл миллий қадриятларга мурожаат ва холис талқин кучайиб бормоқда. Кўпгина ижтимоий фанлардан ўрта ва олий мактаблар учун янги дарсликлар босилиб чиқди ва чиқмоқда. «Ўзбекистон тарихи» фанига эътиборнинг кучайганлиги ва бу соҳада тарихчи олимларимизнинг фидокорона меҳнатларини алоҳида қайд этмоқ лозимдир. Ҳозир ўрта мактабларнинг деярли барча синфлари учун тарих дарсликлари янгидан ёзиб чиқилди ва нашр этилди.

Адабиёт тарихидан ҳам дарсликлар тайёрланмоқда.

Мактабларда «Одобнома» дарсликларининг киритилиши ва бу мавзуда бир неча ўқув қўлланмалар босилиб чиққанлигини мамнуният билан қайд этмоқ лозим.

Республика бўйлаб эски, коммунистик мафкура асосида пайдо бўлган жуда кўп жой, муассаса, кўча ва хиёбон номлари ҳақиқий миллий ва тарихий номларни тиклаш эвазига ўзгартирилди. Атамашунослигимизда ўзбек адабий тилини ривожлантириш ва мавқеини оширишда кўп ишлар амалга оширилди. Бу йўналишда ўзбек тилининг давлат тили сифатида қонунийлаштирилиши катта самара берди.

«Соғлом авлод учун» журнали ташкил этилганлиги, республика ва вилоятларда «Маънавият ва маърифат» маркази ва унинг шўъбалари олиб бораётган ишлар, «Олтин мерос» ва «Камолот» жамғармаларининг таъсис этилиши, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Туркистон», «Миллий тикланиш» газеталари, «Мулоқот», «Ёшлик», «Гулистон», «Шарқ юлдузи» журналларида ёритилаётган миллий маънавият масалаларига оид мақола ва суҳбатлар, «Қуръони карим»нинг ўзбекча ва русча таржималари, Имом ал-Бухорий тартиб берган «Жомеъ-ас-Саҳиҳ» (Ишончли ҳадислар тўплами)нинг уч жилди, Бурҳониддин Марғилоний яратган ислом ҳуқуқ назариясига оид «Ҳидоя фил фуру» асарларининг биринчи жилди, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Носириддин Рабғузий, Сўфи Оллоёр, Убайдий, Феруз асарларининг босилиб чиқиши миллий маънавий меросимизнинг кенг халқ оммаси онгига сингиб боришида катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Эътироф этиш керакки, мустақиллик йилларида ҳуқуқшунослик, фалсафа, сиёсатшунослик, тилшунослик фанлари ҳам жиддий ўзгариш йўлига кирди. Очиғи, бу фанларнинг айримлари чинакамига янгидан шаклланди. Масалан, ҳуқуқшуносликни олайлик. Бизда шўролар замонида ҳуқуқшунослар бор бўлгани билан, ўзбек ҳуқуқшунослик фани йўқ эди. Ҳозир биз дунё тан олган ҳуқуқшунослик фанига эгамиз. Фуқаролик жамияти ва шарқона демократик давлат назарияси ишлаб чиқилмоқда, олдимизда Президент И. Каримов бошчилигида ўртага ташланган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамият қуришдек улуғ ғояни амалга ошириш вазифаси турибди. Бунинг илмий асосларини яратиш, барпо этилаётган янги жамият ва давлатчиликнинг оёққа туриши учун қонунлар тизимини ишлаб чиқиш зарур. Бундай масъулиятли ишни амалга ошириш учун бир томондан, жаҳон ҳуқуқшунослиги ютуқларидан фойдаланиш, иккинчи томондан ўз тажрибамизга суяниш керак бўлади. Ахир бизнинг аждодларимиз мусулмон қонунчилигининг асосларини яратишда иштирок этган кишилардирлар, биз бунда шариат қонунчилигидан ҳам фойдаланамиз.

Худди шу каби Ўзбекистоннинг мустақил бўлиши ва дунёга юз тутиши натижасида сиёсатшуносликка нисбатан батамом янгича ёндашиш имконияти туғилди. «Илмий коммунизм» номи билан юритиладиган схоластик, кераксиз ақидалар ўрнига ҳаётий, ижтимоий тараққиёт қонунларини очиб берадиган янги илм юзага келди.

Мустақилликнинг беш йили ичида қўлга киритилган ютуқларимиз анча. Аммо келажакда қилиниши керак ишларимиз яна ҳам кўпроқ.

Халқимизнинг илм аҳлига бўлган ҳурмати баланд. Давлат илм-фан ривожига ҳамиша ғамхўрлик қилиб келмоқда. Президентимиз қайта-қайта таъкидлаганидек, интеллектуал салоҳиятнинг умуммиллий тараққиётида ўз ўрни, беқиёс аҳамияти бор. Айниқса, Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг янги босқичига кирган ҳозирги вақтда бунга яна ҳам эътиборни қаратиш керак.

Аммо, очиғини айтсам, ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида қилинаётган ишлар кўнгилдагидек эмас. Ҳали ҳам айрим олимларимиз эски мафкура таъсиридан қутулганлари йўқ, юзакичилик, схоластика, қуруқ гапбозликка асосланган «тадқиқот»лар талай. Эски марксистик назарияларни ҳозирги даврга мослаштиришга уриниш ҳоллари юз бермоқда. Болшевизмни шунчаки сўкиш билан иш битмайди. Бунинг учун табиат, жамият ва инсон тараққиётининг умумий қонуниятларини ишлаб чиқиш, айниқса фалсафа фанини жиддий тарзда қайта шакллантириш лозим. Шахс тарбияси, жамият ва инсон, инсон ва атроф муҳит муаммоси ҳозир дунё муаммосига айланмоқда, бу соҳада қани бирор арзирли иш борми? Фалсафий фикр ривожланмас экан, бошқа ижтимоий фанлар ҳам оқсаб тураверади, зеро фалсафа қонуниятларни очиб, тизимлар яратиб, бошқа фанларга назарий асос қуради. Мустақиллик мафкураси, қарашлар хилма-хиллигини ифодалайдиган ишлар ҳам шунда мустаҳкам заминга эга бўлади.

Гапнинг дангали, И. Мўминов номидаги Ўзбекистон ФА фалсафа ва ҳуқуқ институтининг бу борада олиб бораётган ишлари қониқарли бўлмаяпти. Шундай нуфузли илмий масканда фундаментал тадқиқотчилик жонланиб кетмаяпти.

Мустақилликдан сўнг фалсафа фанида жиддий ўзгариш бўлиши кутилган эди. Тўғри, бу йилларда ўзбек фалсафа илми якка ҳоким мафкура ва кураш таъсиридан холи бўла борди ва фикрлар хилма-хиллигига амал қила борди. Шу маънода ўзбек фалсафа илмининг ўзак манбаларидан бири Шарқ фалсафасини тадқиқ этиш йўлга қўйилди. Натижада жаҳон ижтимоий фанлари мутахассисларининг ўзбек фалсафа илмига бўлган қизиқиши ортди. Афсуски, бу ишда файласуф мутахассислар сусткашликка йўл қўйдилар ва жараён ҳозир ҳам давом этмоқда. Гап шуки, файласуф мутахассислар ўзбек фалсафа илмини яратиш йўлида жиддий ҳаракат бошлашлари лозим. Бунинг учун қуйидаги йўналишларда тадқиқотчилик ишларини бошлаш керак:

1. Ўзбек фалсафа илмининг методологик асосларини жаҳон фалсафаси андозаси даражасида белгилаб олиш ва тадқиқотчилик йўналишларини замон талаби асосида қайта кўриб чиқиш.

2. Жаҳон фалсафаси тажрибаларини кунт билан ўрганишни йўлга қўйиш ва Шарқ фалсафасини тадқиқ этишни кенгайтириш. Ғарб ва Шарқ фалсафаси тажрибаларини уйғунлаштирган ҳолда ўзбек фалсафа илмини яратиш йўлида қадам ташлаш.

3. Ўзбек фалсафа илмини жонлантириш мақсадида чет эл илмий ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.

4. Фуқаролик жамиятининг фалсафий асосларини яратиш.

5. Фалсафа илми билан шуғулланувчи етук, малакали ёш кадрларни вояга етказиш масаласини ҳал этиш.

Албатта, мутахассислар томонидан эълон қилинган «Фалсафадан ваъз матнлари» (коллектив: Тошкент, 1995), «Ўзбекистонда ижтимиой-фалсафий фикр ривожи тарихи» (коллектив, Тошкент, 1995) каби китоблар ва ишлаб чиқилган дастурлар диққатга сазовор. Лекин уларда ҳам фикрда бир ёқламалик кўзга ташланади. Демак ўзбек фалсафа илмини юзага келтиришда ҳали кўп меҳнат қилишга тўғри келади. Ўйлаймизки, бу борада файласуф мутахассисларимиз қатъий ҳаракат бошлайдилар.

Шарқ фалсафасини ҳам, тарих ва адабиётни ўрганиш учун ҳам биринчи галда манбаъларни тадқиқ этиб, нашр эттиришга эътиборни кучайтириш шарт.

Биз жуда катта маданий тарихга, дунёга машҳур алломалар ижод этган илм-фанга эгамиз. Бу билан фахрланамиз. Аммо ана шу бой манбаъларни ўрганиб нашр эттириш, таржима қилиб оммалаштириш жуда суст кетмоқда. Хориждаги олимлар, ўқувчилар, ростини айтганда биз ҳақимизда бизнинг ўзимиздан кўра кўпроқ маълумотга эга. Абурайҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ва Ҳ. Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институти заҳираларида минглаб қимматли асарлар бор. Уларда Шарқ халқлари тафаккурининг қаймоғи жамланган. Аммо ҳали ҳануз бу манбаъларнинг юздан бир улуши ҳам тадқиқ этилган эмас. Мазкур икки институтда икки юзга яқин олим ишлайди, лекин манбаъларни ўрганиш билан шуғулланувчилар беш-олти кишидан ортиқ эмас. Ҳолбуки бу икки институтда барча олимлар қўлёзма манбаълар устида ишлай оладиган мутахассислар бўлиши лозим. Биргина Маҳмуд Ҳасанийнинг ўзи мустақиллик йилларида ўнга яқин нодир асарларни форс тилидан таржима қилиб нашр эттирди. Демак, қилса бўлар экан-ку! Ваҳоланки, М. Ҳасаний ҳатто фан номзоди ҳам эмас. Аммо мен ана шундай фидойиларни ҳақиқий олим деб биламан. Шу каби Б. Валихўжаев, А. Ирисов, У. Уватов, Н. Комилов, С. Рафиддиновларнинг қилаётган ишларини муҳим деб ҳисоблайман.

Манбаъларни ўрганиш асосида ўзбек давлатчилиги тарихи, бой адабиётимиз тарихи, ижтимоий фикрлар тарихини аниқ бир консепсия асосида фундаментал тарзда яратишимиз мумкин бўлади. Тарихшунослик ҳақида алоҳида тўхталмоқчиман. Бу соҳада эришилган ижобий самараларни қайд этган ҳолда камчиликлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Энг асосий нуқсон — бу олим муаллифлардаги шўро тузуми асоратлари ва коммунистик мафкура андозаларидан тўла халос бўлинмаганликдир. Ҳамон ўша иккиланиш, атрофга аланглаш, ўз мустақил фикрини дадил баён этолмаслик ва эски авторитет-устунлар позитсиясига қарши фикр-йўналиш беришда ожизликдир.

Ўзбекистон тарихига том маънода чинакамига холис, одилона ва умумжаҳон миқёсида ёндошиш сезилмаяпти. Ана шу ҳолат туфайли тарих фанида мустақилликнинг беш йили мобайнида эришилган натижаларни қониқарли деб бўлмайди. Иқтисод ва сиёсатдаги ижобий силжишларга нисбатан қиёс этганда Ўзбекистон миллий давлатчилиги тарихи соҳасидаги изланишлар мутлоқ замон талабларига жавоб бермайди.

Фикримнинг исботи учун ҳал этилмаган бир қатор масалаларга тўхталиб ўтмоқчиман:

Қадимги давлатчилик даври — Турон заминидаги илк подшоликлар тарихи бўйича жиддий тадқиқотлар яратилмади.

Буюк ипак йўли тарихида Марказий Осиё давлатлари ўйнаган дипломатик, сиёсий, иқтисодий ва маданий ролга бағишланган асарлар савиясини етарли даражада дейишга асос кам. Ҳолбуки бу ғоят муҳим, бугунги кундаги Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги алоқаларини кучайтириш соҳасида долзарб мавзудир. Сомонийлар, қорахонийлар, салжуқийлар ва хоразмшоҳлар даврларидаги давлатчилик масалалари ёритилиши ҳамон ўша эски шўро замони даражасида қолиб келмоқда. Ўша сулолалар даврида аждодларимизнинг халқаро алоқалари ва ташқи сиёсат, дипломатия масалаларига оид жиддий тадқиқотлар зарурдир. Чунки бутун дунёга машҳур «Сиёсатнома» асари — XI асрда яратилган. Дипломатиядан ташқари иқтисоднинг муҳим масалаларини ҳам ёритган бу асарда далиллар кўп.

Темурийлар давридаги давлатчилик тарихи масалаларини чуқур ёритишга ҳам етарли эътибор берилди деб бўлмайди. АҚШ, Англия, Франсия олимлари тадқиқотлари даражасида иш олиб борилмаяпти.

Ўрта асрлардаёқ Марказий Осиё бозорини эгаллаш борасида Россия, Англия, Хитой олиб борган сиёсат атрофлича ёритишни тақозо этади.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия, Англия ва Хитойнинг Марказий Осиёдаги мустамлакачилик сиёсати туб моҳияти ва асосий йўналишларини ҳам очиб бериш даркор.

Чор Россияси ва шўро тузуми давридаги истиқлол учун курашнинг очилмаган қирралари кўп. Туркистонга рус давлатчилигини жорий этилиши ва унинг оқибатлари, мулкдорлар синфига муносабат, бож сиёсати, миллий зиёлиларга нисбатан ҳукумат тутган йўл шулар жумласидандир.

Энг муҳим масала коммунистларнинг Ўзбекистонда ўтказган манфур сиёсати ва унинг оқибатлари ҳанузгача тўла-тўкис очиб ташланмади. Марксизм-ленинизм ва умуман коммунистик мафкуранинг Шарққа ёт таълимот бўлганини рўй рост ёритувчи, болшевизмнинг разил башарасини кўрсатувчи асарлар зарур.

Тарих фанида Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллик тарихининг улуғворлигини кўрсатувчи, чуқур таҳлилли ва юксак илмий савияли тадқиқотлар яратиш олимларимизнинг муқаддас вазифасидир.

Ўзбекистонни умумжаҳон миқёсидаги ўрнини ҳаққоний белгилаш ва холисона ёритиш учун Ўзбекистон тарихини даврлаштириш масаласига чуқур ва атрофлича ёндошиш ва бунга кенг илмий жамоатчиликни жалб этиш даркор.

Тарих—муаллим, тарих—тарбия воситаси. Тарихни ҳаққоний ва холисона ўрганиш керак. Ҳозир нима бўлаяпти? Илгари коммунистик мафкура таъсирида миллий қадриятларимиз чала ўрганилиб, нотўғри баҳоланиб келинган бўлса, эндиликда тарихни ёппасига оқлаш майли бошланди. Гўё ҳеч қандай салбий ҳодисалар бўлмагандай. Ахир ўзаро қирғинлар, тахт талашишлар бўлмаганда, Амир Темур тузган улуғ салтанат парчаланиб кетармиди? Шу парчаланиш, кичик хонликларга бўлиниш сабабли Россиянинг асоратига тушиб қолдик-ку?

Баъзи ишларда ҳатто Марказий Осиёнинг гуллаган маданиятини ер билан яксон қилиб, бир неча юз йил орқага сурган ваҳший Чингизхон юришлари ҳам оқланмоқда, буни қандай тушуниш мумкин? Ахир Амир Темур айнан шу Чингиз авлодлари ҳукмронлигига қарши курашган эмасми?

Қадимги суғдлар, парфияликлар яратган улуғ маданиятнинг аҳамияти катта бўлган. Бизнинг маънавиятимизнинг пойдевори, халқимиз сажияси ўша суғдлардан бошланади. Буни унутиш мумкин эмас. Хуллас, тарих чин ватанпарварлик нуқтаи назаридан холисона илмий далиллар асосида ўрганилиши лозим. Ижтимоий-гуманитар фанлар бир-бири билан боғлиқ ҳолда ривожланиши керак, бизда бундай бўлмаяпти. Файласуфлар адабиётшунослар, адабиётшунослар эса тарихчилар ишларидан баъзан бехабар. Тор ихтисослашув муайян соҳани чуқур билишга кўмак бериши мумкин, лекин бу чуқурлашиш ўзининг қобиғига ўраниб олиб, бир мавзуни умр бўйи чайнаб юриш деган гап эмас. Шунақа «олим»ларимиз борки, ўзи адабиётшунос бўла туриб, бироқ Алишер Навоий қанақа асарлар ёзганини билмайди, бунга қизиқмайди ҳам, яна мен фалон аср адабиёти мутахассисиман деб қўяди. Демоқчиманки, баъзи олимларимизда умумий маданий-маърифий савия юқори эмас. Баъзиларимизда умуман қизиқиш сўниб қолган. Дунёда нима бўлаяпти, Республика ҳаётида нималар кечаяпти — мутлақо иши йўқ. Институтга бориб-келиб, лақиллаб юриб кун ўтказадиганлар камми? Кўп олимларимизнинг иш фаолияти диссертациялар муҳокамасида қатнашишдан нари ўтмай қолди. Ачинарлиси шуки, ёшлар орасида бундайлар кўп. Бунақа ҳафсаласизлик, лоқайдликка барҳам бериш керак. Умуман, иш бермайдиган олимларни институтларда сақлаб юришни яроқсиз ҳисоблайман. Бир йилда битта мақола эълон қилмаса, у қандай олим ахир? Бунда ёшнинг аҳамияти йўқ. Баъзи кексаларимиз ёшлардан кўра самаралироқ меҳнат қилмоқдалар. Масалан, адабиётшунослардан И. Султонов, А. Ҳайитметов, Ғ. Саломовларнинг қатор китоблари чоп этилди. Академик Бўривой Аҳмедовни олинг. Булар ҳозир энг фаол, ишчан олимларимиз. Ёшларимиз нега булардан ибрат олмайдилар?

Баъзилар китоб нашр этиш, мақола чиқаришнинг қийинчилигини рўкач қиладилар. Мен шахсан бунга қўшилмайман. Агар яхши китоб бўлса, халққа, давлатга фойдаси тегадиган тадқиқот бўлса, у ҳеч қачон эътиборсиз қолиб кетмайди, китоблар нашри қийинчиликларга қарамай йил сайин кўпаймоқда, газета ва журналлар сони ҳам ортиб бораяпти. Аммо халқимизнинг ташна қалбини қондирадиган, юксак талабларга жавоб берадиган ишлар ҳамон кам.

Мустақиллик даври бизнинг илмий савиямизни элакдан ўтказди, шу билан бирга бир қанча соҳаларнинг кераксиз эканлигини ҳам кўрсатди. Турли баҳоналар ана шундай ортиқча бўлиб қолган соҳаларнинг мутахассисларидан чиқмоқда. Улар янги замонага мослаша олмаяптилар, аммо тан бериб жойни бўшатишга ҳам шошаётганлари йўқ.

Ҳаёт инкор этган соҳалар, мавзулардан воз кечиш пайти келди. Эндиликда бизга жаҳон илму фани андозаларига жавоб берадиган ҳам назарий бақувват ва, ҳам амалий қиймати бор тадқиқотлар зарур. Бунинг учун фикрлаш даражамиз ҳам жаҳон илм-фани даражада бўлиши керак, ўз қобиғимизга ўралиб олиб яшаш замони ўтди. Ҳамма соҳада, жумладан ижтимоий фанлар соҳасида ҳам халқаро миқёсда ҳамкорлик бўлиши фойдали.

Мустақиллик мустақил фикрга, ғоя ва қарашларга эга бўлишни талаб қилмоқда. Ижтимоий фанларни консептуал йўналишларда жиддий янгилаш учун биз олимлар аввало ўз тафаккуримиз, қарашларимизни ўзгартиришимиз, янгилашимиз керак. Биз бозор иқтисодиёти шароитига ўтаяпмиз. Шунга мувофиқ ижтимоий ҳаётимизда кескин ўзгаришлар содир бўлмоқда. Ижтимоий фан ходимлари ана шу ўзгаришларга тайёр туриб, мослашиб олишлари, янги муаммоларни дадил ўрганишга киришишлари керак.

Демократик тамойиллар ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб бормоқда. Ҳур фикрлилик, хилма-хил қарашларнинг мавжудлигига ўрганмоқдамиз. Бундан кейин ҳам демократия кучайиб боради, фуқароларнинг фаоллиги ошади. Мақсадимиз янги типдаги жамият қуриш экан, биз қадамба-қадам шунга қараб бораверамиз. Ижтимоий-гуманитар фанлар бу жараёндан орқада қолмаслиги керак, аксинча бу жараённи тезлаштиришга ҳисса қўшиши, унинг назарий асосларини ишлаб чиқиб, хулосаларни тезкорлик билан амалиётга тадбиқ этиши даркор.

Ижтимоий фанлар — бу мафкуранинг асосидир. Миллий маънавият, миллий мафкура ҳақида кўп гапирамиз. Аммо яхлит ҳолда ишлаб чиқилганми бу? Миллий маънавият консепсияси борми? Йўқ-ку. Тўғри, кўп фанлар соҳасида янги руҳдаги дастурлар ва дарсликлар яратилди, бу бизнинг ютуғимиздир. Бироқ болаларимизни боғча ёшидан бошлаб олий мактабгача тарбиялашга асос бўладиган яхлит дастур ҳали йўқ. Чунки «миллий маънавият»ни жаҳон маданияти билан қиёсан тадқиқ этилувчи алоҳида фан йўналиши сифатида шакллантиришга асос берувчи махсус илмий консепсия яхлит ва тўкис ишлаб чиқилмаган. Бу ниҳоятда муҳим ва долзарб муаммо. Ўтмиш мафкуравий сарқитдан қутулишимиз осон эмас, заҳарланган қонни фақат тоза қон билан алмаштириш эвазига танани соғломлаштириш мумкин. Биз Ғарб фалсафасидан жуда кўп ўрганадиган томонларимиз бор. Аммо ўз маънавиятимизни тугал ва холис ўзлаштирмай туриб, ўзга муҳитда яратилган бойликни на тўғри қабул қилиш мумкин, на ижобий фойдалана билиш мумкин. Бунинг учун эса пухта режа асосида фундаментал тадқиқотлар ўтказиш, маънавий меросимизнинг ҳали кўздан яширин ётган қатламларини очиш, уларга қиёсан олдин ўрганганларимизни қайта кўздан кечириб чиқиш лозим.

Ўзбекистонда ижтимоий фанлар тизимини шакллантириш учун талай вазифалар турибди. Ижтимоий тараққиётни таъминлаш учун уларни ҳал этиш лозим. Бунинг учун аввало фидойилик, ўз касбига меҳр керак. Қолаверса, хорижий тилларни ўрганиш масаласи қатъий кун тартибида турмас экан, тадқиқотчиликда мақсадли натижага эришиш мушкулдир. Бундан ташқари, яна иқтидорли, ёш кадрларни вояга етказиш дастлабки вазифалардан биридир. Ушбу уч омилсиз ижтимоий фанлар тизимини тараққиёт поғонасига олиб чиқиб бўлмайди. Бунинг учун янги қарашлар, ғояларни, тадқиқот усулларини қўллаб-қувватлаш рағбатлантириш зарур. Бутун Ўзбекистонда ижтимоий фанлар тизимининг ривожланиши учун шарт-шароит бор. Бундай имкон тарихда кам кузатилган. Барча соғлом ва иқтидорли кучларни бирлаштириб, ишга киришиш зарурдир. Шундагина Ўзбекистоннинг муттасил тараққий этиши учун яна бир омил барпо этилган бўлади.

# МИСР ТАРИХЧИСИНИНГ ҚЎЛЛАНМАСИ

Ҳаёт фалсафаси қизиқ-да ўзи. У ҳеч қанақа қолипга сиғмай олдиндан илғаб бўлмайдиган, кутилмаган воқеалар кўплиги билан ҳам қизиқ. Шу боис инсон зоти борки бир умр «ноумид шайтон» деган ақида билан яшайди, интилади.

Бундан қарийиб ўттиз беш йил бурун Амир Темурга боғлиқ бир ибратли воқеа бўлиб ўтган эди.

Минг тўққиз юз олтмиш иккинчи йилнинг жазирама июн ойида насиба тортиб мен Миср Араб Республикасига бориб бир йил араб тили таржимони сифатида хизмат сафарида бўлганман. Биз, бир гуруҳ ёшлар — энг аввало араб тилимизни «чархлаш», айниқса унинг ўзига хос хусусиятли Миср шевасини (у биз билган араб адабий тилидан фарқ қилар экан) тезроқ эгаллаш пайида ҳар бир фурсатни ғанимат билардик: Миср дарсликлари, китобларини мутолаа қилиш, кинофилмлар кўриш, жонли тил муҳитига «шўнғиш» кўп вақтимизни оларди. Бўш вақтларимизда Қоҳирадек шаҳри азимнинг турли бурчакларида жойлашган китоб дўконлари, кутубхоналарини зиёрат қилар, ўзимизни қизиқтирган китоблар билан ҳам танишардик. Мени кўпроқ қизиқтирган нарса диёримиздан чиққан буюк алломаларимизнинг ҳаётлари, асарлари, мерослари, улар ҳақида араб тилида нашр этилган китоблар эди. Бир кун китоб дўконларининг бирида араб тилида ёзилган «ал-Қоид араҳийб Темур» («Ҳайбатли саркарда Темур») деган китобга кўзим тушди. Қоҳирада нашр этилган бу мўъжазгина рисола Миср тарихчиси ас-Саййид Фаражнинг қаламига мансуб бўлиб, «Ихтирно лил-жундий» («Аскар учун танладик») туркуми остида чоп этилган экан. Табиийки, мен ушбу китобни харид қилиб, дарҳол уни ўқиб чиқдим.

Унда Амир Темурнинг тарихи-ҳаёти ва амалга оширган ишлари мухтасар, таъсирчан, содда ва оммабоп тилда баён қилинган.

Рисола, албатта, энг аввало аскарларга — ҳарбийлар, умуман ёшларга мўлжаллангани учун ҳам унда соҳибқирон ҳазратларининг ҳарбий соҳадаги даҳоси ва маҳорати, ўз ватани, халқи, заминининг озодлиги ва равнақи йўлидаги мислсиз саъй-ҳаракатлари, ёрқин мисоллар билан ҳикоя қилинган.

Рисолада Амир Темурнинг ёшлиги, у ўсмир пайтидан бошлаб машғул бўлган ўйинлар — чавандозлик, ов қилиш ва ҳар хил машқларда ва мусобақаларда қатнашиб беллашувларда иштирок этиши, жисмоний ва руҳий чиниқиши, шижоатли ва матонатли бўлиб ўсиши акс эттирилган. Унинг отаси ҳақида ҳам талай маълумотлар берилган.

Рисолада Амир Темурнинг ўз ватанини мўғул мустамлакачиларидан озод қилиш борасидаги узоқ давом этган кураши, бу йўлда қанчадан-қанча машаққатларни ақл-идрок ва матонат билан енгиб ўтгани ёзилган. Ўз салтанатини мустаҳкамлаш, кучли ва мустақил давлат тузиш йўлида Амир Темур амалга оширган ислоҳатларга батафсил тўхталади. Жамият ва фуқаролар манфаати йўлидаги қонун-қоидалар ишлаб чиқилиб, барча масалаларда қаттиқ тартиб-интизомга ҳамма итоат этишлиги, қонун устиворлиги Амир Темур сиёсатида қатъий қоида бўлганлиги алоҳида таъкидланади. Жангу жадал вақтида журъатсизлик билдирган ҳар қандай аскар ёки қўшин бошлиғи халқ олдида жазоланиб сазойи қилинган. Бу усулнинг тарбиявий аҳамияти катта эди, деб ёзади тарихчи. Унинг ёзишича, айни вақтда муҳорабаларда жасорат ва ботирлик намуналарини кўрсатганлар ўз қаҳрамонликларига яраша муносиб мукофотлар олиб тақдирланганлар.

Рисоланинг бир бобида Амир Темур даврида Мовароуннаҳрнинг турли томонида амалга оширган бунёдкорлик ишлари, ободончилик, қурилиш иншоотлари ҳақида маълумотлар берилади. Айниқса, Амир Темур давлатининг маркази бўлган Самарқандда бунёд этилган кенг кўчалар, улкан қасрлару боғ-бўстонлар ҳақида муаллиф қизиқарли ҳикоя қилади. Самарқанд, тарихчи ёзишича, Амир Темур даврида «Арус ал-авосим» («дунё пойтахтларининг келинчаги») ёки «ал-Мадийнат аз-зарқа» («Мовий шаҳар») номларини олган, чунончи шаҳардаги барча маҳобатли иморатлар бутун бўй-басти билан ўша вақтда мовий рангга бурканган.

Рисолада Амир Темур билан Тўхтамиш муносабатлари ҳақида ҳам тўхталиб, соҳибқироннинг қўллаб-қувватлашларию кўрсатган яхшиликларига Тўхтамиш қандай нонкўрлик қилгани баён этилган.

Рисоланинг бошқа бир бобида соҳибқироннинг ички сиёсати ёритилади. Амир Темур ўз мамлакатининг равнақи, халқнинг фаровонлигига алоҳида эътибор бериб, кўп хайрли ишларни амалга оширгани, жамладан у барийд (почта) алоқаси хизматида қатор янгиликлар жорий қилиб коммуникатсия (транспорт)ни яхшилаш учун катта-катта йўллар, кўприклар қурдиргани, каналлар, сув қувурлари (анобийб)ни чўздириб, божхона ва солиқ тизимларини мукаммалаштиргани узоқ масофали йўлларда йўловчилар, от-уловлар учун работлар, карвонхоналар барпо этганини кўсатиш мумкин. Муаллифнинг айтишича, ғарбдан шарққа ва шарқдан ғарб мамлакатларига савдо карвонлари Амир Темур даврида асосан Самарқандга қўниб ўтган. Бинобарин, жаҳон савдо-сотиқ йўллари Амир назорати остида бўлган ва тижоратдан тушган даромаднинг миқдори катта бўлиб, тарихчи ёзишича, ўша пайтда Франсия қиролининг даромадидан ҳам ортиқ бўлган. Амир Темур фақат тижорат ишларига аҳамият бериб қолмай, балки у зироатга, қишлоқ хўжалигига, деҳқонларнинг аҳволини ислоҳ қилиш ишларига ҳам алоҳида эътибор беради. Унинг эътиқодича, деҳқонлар мамлакат бойлигининг манбаи. Ватан ва армия куч-қудратининг таянчи ҳисобланарди. Мана шунга ўхшаш кўплаб хайрли тадбирлар туфайли Амир Темур ўз давлати нуфузини ошириб, уни дунёда энг тараққий қилган кучли ва иқтисодий бақувват давлатлардан бирига айлантирди, ўз халқига эса фаровонлик ва мўл-кўлчилик мужассам бўлган бахтиёр турмуш яратди.

Рисолада Амир Темур ҳазратларининг олиму-уламолар билан мулоқотлари, унинг тарих илмини чуқур билиб, ўтган ҳоқону-султонлар кечмишларидан яхши хабардор бўлганлиги, шатранж ўйинида катта маҳоратга эга эканлиги, ҳатто бу ўйинни такомиллаштиргани ҳақида ҳам сўз боради.

Рисоланинг ниҳоясида муаллиф Амир Темурнинг зафарларини таҳлил қилиб унинг устунлигини қуйидаги сабаблар билан изоҳлаган:

— қўшиннинг уюшқоқлиги;

— рақиблар ҳақида тўлиқ маълумотга эгалиги (разведка);

— жанглар ҳужумкорлик руҳида олиб борилганлиги;

— қўшинда маънавий руҳ жуда кучли бўлганлиги;

— ташвиқот-тарғибот ишларига катта аҳамият берилганлиғи;

— бошқарув (раҳбарлик) сиёсатидаги ўта кучли салоҳияти;

Миср тарихчисининг Амир Темур ҳазратлари ҳақидаги бу рисоласи соҳибқироннинг ички ва ташқи сиёсати, айниқса унинг ҳарбий маҳорати ва ибратли ишларини ўрганишда қимматли асарларидан бири дейиш мумкин.

Убайдулла УВАТОВ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида» қонун қабул қилинди. Қонун лойиҳасининг муҳокамасида Президент Ислом Каримов ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди ва ном бериш ҳамда ўзгартириш масалаларини мамлакатимизда тартибга солишни тезлаштириш, илгариги мустамлакачилик сиёсати миллий ҳаётимизга зўрлаб тиқиштирилган «қизил» номбозликдан қатъиян халос бўлиш зарурлигини ўқтирди.**

**«Миллий тикланиш» шу жуда муҳим масаланинг бир қанча қирраларини ёритиб боришни мўлжалламоқда.**

# МУНОСИБЛИК МЕЗОНИ

Ўзбекистон мустақил ривожланиш йўлига ўтгач, миллий қадриятларга, унинг шўролар даврида мафкуравий зарбаларга учраб, йўқотилган соҳаларини тиклашга алоҳида эътибор берила бошлади. Ўзбек тили ва миллий маданиятининг коммунистик мафкура, сотсиализм сиёсатидан катта зарар кўрган соҳаларидан бири бу — ўзбек тилидаги жой номлари — ўзбек топонимиясидир. Ўзбек тилидаги жой номларининг табиий, халқона қатламларига, узоқ ўтмишдан мерос бўлиб келаётган тарихий топонимларга шафқатсизларча муносабат шўролар топонимик сиёсатининг негизини ташкил қилди. Шўролар даврида маъмурий-ҳудудий бирликларнинг, табиий-жуғрофий объектларнинг аҳоли яшовчи ўринларнинг номи расмий кўрсатма ва қарорлар асосида оммавий равишда ўзгартирилди, қайта номланди, янги объектларга эса фақат коммунистик мафкурани, сотсиалистик тузумни олқишловчи тушунчаларни ифода қилувчи номлар берилди. Натижада Ўзбекистон ҳудудидаги кўпгина тарихий табиий-анъанавий номлар ўрнини сотсиалистик сиёсат «ижод қилган»сохта топонимлар эгаллади. Бу ҳол ҳозирда кўпчиликка маълум.

Мустақил ривожланиш йўлига ўтган Ўзбекистон давлати ўзининг истиқлол мафкурасини, миллий тил ва қадриятларга одилона муносабат сиёсатини яратар экан ўзбек тили луғавий бойлигининг кўҳна қатлами, халқ тарихи ва маданиятининг мўътабар ойнаси бўлмиш топонимлар тақдирига бефарқ қарай олмаслиги ўз-ўзидан равшандир. Шу сабабли кейинги беш йил ичида республика ҳудудидаги бир қатор туманлар, шаҳарларнинг номларини ўзгартириш ҳақида Президентнинг фармонлари, Ўзбекистон Олий Кенгашининг қарорлари қабул қилинди. Андижон вилоятидаги Қорасув (Иличеввск), Асака (Ленинск), Хонобод (Советобод). Самарқанд вилоятидаги Булунғур (Красногвардейск), Жиззах вилоятидаги Янгикент (Уляново) шаҳарларининг, Тошкент вилоятидаги Зангиота (Калинин), Юқори Чирчиқ (Коммунистик), Қибрай (Оржоникидзе), Қуйи Чирчиқ (Ғалаба), Самарқанд вилоятидаги Гўзалкент (Болшевик), Нуробод (Советобод), Сирдарё вилоятидаги Сайхунобод (Ворошилов), Шароф Рашидов (Илич), Мирзаобод (Комсомол), Қашқадарё вилоятидаги Касби (Улянов), Жиззах вилоятидаги Зафаробод (Октябр), Сурхондарё вилоятидаги Музработ (Гагарин), Қизириқ (Ленинйўл), Андижон вилоятидаги Шаҳрихон (Москва), Фарғона вилоятидаги Бешариқ (Киров), Учкўприк (Ленинград), Данғара (Фрунзе), Наманган вилоятидаги Мингбулоқ (Задарё), Бухоро вилоятидаги Жондор (Свердлов). Қорақалпоғистондаги Қонликўл (Ленинобод) туманларининг номлари шулар жумласидандир. Пойтахтимиз Тошкентда 10 туман бўлиб ундан бештаси коммунистик мафкурали номлар билан юритилар эди. Бу нуқсон ҳам бартараф қилинди.

Жой номларини тартибга солиш бўйича кейинги йилларда амалга оширилган ишларга назар солинса коммунистик мафкура билан боғлиқ бўлган номларнинг деярли асосий қисми тугатилди. Булар кўпроқ йирик ҳудудлар ёки объектларнинг номларидир. Шу билан бирга бир қатор майда объектлар — кўчалар, жамоа ва давлат хўжаликлари, мактаблар, маданий-маиший объектлар, баъзи идора ва муассасаларда сотсиализм даврига хос номлар сақланиб турганини кўриш мумкин. Ҳозирда мана шу номларни ҳам тугатиш устида иш бормоқда.

Табиий-жуғрофий объектлар, аҳоли пунктлари, ҳудудий бўлим бирликларни номлаш, улар номини ўзгартириш ниҳоятда мураккаб илмий-амалий тадбирдир. Бу ишда айниқса жойларнинг шахс номлари билан боғлиқлари анча қийинчилик туғдиради. Бу бешта сабаб, хусусият билан боғлиқдир.

Биринчидан, шўролар даврида пайдо бўлган коммунистик мафкурали номларнинг аксарият қисмини шахс номлари билан алоқадор топонимлар ташкил қилади. Бу ҳол уларни ёппасига, бирдан тугатишни қийинлаштиради. Чунки уларнинг ўрнини босувчи юзлаган, минглаған янги номларни тезда топиш осон иш эмас.

Иккинчидан, шўролар даврида абадийлаштирилиб, номи топонимга кўчган шахсларнинг барчасига бир хилда, бир ўлчов билан ёндошиб бўлмайди. Шу сабабли уларнинг номи билан боғлиқ топонимларнинг тақдирини ҳам бир хилда баҳолаб ҳал қилиш қийин. Бу иш масъулият ва эҳтиётликни талаб қилади.

Учинчидан, қандай шахслар номи абадийлаштиришга муносиб, қайси бирлари номуносиб эканини белгилаш ҳам анча мураккаб масаладир. Бунинг талаб ва мезонлари ҳозирга қадар етарли ва изчил белгиланган эмас.

Тўртинчидан, шўролар даврида шахслар номи ҳар қандай жойга ва объектларга қўйилаверар эди. Бунда қандайдир чегара бўлган эмас. Шўроларча номбозликни тугатиб, шахс номи берилиши мумкин бўлмаган объектларни белгилаш ҳам муҳим масаладир.

Бешинчидан, шахс номларининг, айниқса киши исми ва фамилиясидан иборат бўлган жой номларининг топонимга айланиши, топонимия тизимига шаклан мослашиб сингиб кетиши осонликча амалга ошмайди. Бу ҳол табиий топонимия фондида сохта, салбий хусусиятларнинг юзага келишига сабабчи бўлади.

Юқорида санаб кўрсатилган хусусиятлар топонимларнинг энг мураккаб муаммолари шахс номлари билан боғлиқлигини кўрсатади. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил май ойида қабул қилган республика ҳудудидаги жой номларини тартибга солишга оид қарорида бу масалага алоҳида диққат қилинган. Ушбу қарорда ва ушбу қарор асосида ишлаб чиқилган тавсияларда жойларга киши номларини беришни иложи борича камайтириш ва чегаралашга ҳаракат қилинган. Бу нималарда кўринади?

Биринчидан, бундан кейин вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ва аҳоли пунктларига шахс номи берилмайди.

Иккинчидан, шахс ҳаёт чоғида унинг номи бирор жойга қўйилмайди. Бу ниҳоятда муҳимдир. Чунки шахс ҳаёт чоғида унинг номини «абадийлаштириш» шўроларча топонимик сиёсатнинг энг сохта, ғайриилмий, ғайриахлоқий таомилларидан бири эди. Мана шу салбий таомил жой номининг нотурғун, муваққат бўлиб туришига олиб келди. Чунки номи топонимга кўчган шахсга нисбатан салбий фикр, нуқтаи назар пайдо бўлиб қолгудек бўлса, унинг номи билан боғлиқ топоним ҳам барҳам топарди. Бу шўролар замонида одатий ҳол бўлгани ҳаммага маълум.

Топонимия бисотида баъзи ноўрин, номуносиб номларнинг пайдо бўлиши шахс номини шошиб, атрофлича ўйлаб кўрмасдан, даврнинг синови, халқнинг холисона баҳосини кутмасдан «абадийлаштириш»га интилишдир. Мана шундай ҳол, Вазирлар Маҳкамаси қарорида ҳам таъкидланганидек, суиистеъмолчиликка, таниш-билишчиликка ва бошқа тарздаги бузилишларга йўл очади. Шу сабабли топонимик объектларнинг номларини тартибга солиш Республика комиссиясининг «Тавсиялар»ида шундай ҳақли талаб мавжуд: «Шахс номи унинг вафотидан кейин камида 5 йил ўтгач ёки шахснинг обрў-эътибори камида чорак асрлик муддатга бардош бергандагина бирор объектга қўйилиши мумкин».

Мана шу шарт ҳақида ҳозирда турли мулоҳазалар билдирилмоқда. Бу кимларгадир маъқул, кимларгадир номаъқул туюлмоқда. Балки қўйилган муддат кўпдир ёки оздир. Аммо, бизнингча, шахс номини шошиб абадийлаштирмаслик, бу масалада қандайдир муддатнинг ўтиши мақсадга мувофиқлиги аниқ. Шошиб қўйилган ном кўп ҳолда истиқболсиз бўлишини амалиётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Улуғ аждодлар номи улкан, ноёб объектларга муносибдир.

Кичик бир дўкон, жамоа хўжалиги ёки фирмани буюк Навоий номи билан аташ ўринлими? Буюк аждодлар номини эъзозлаш, улар номидаги жойларнинг, объектларнинг миқдоран кўплигида эмас, балки бу объектларнинг бу номга муносиблигидадир. Шу сабабли юқорида тилга олинган «Тавсиялар»даги қуйидаги талаб ғоят тўғридир: «Майда, давлат аҳамиятига эга бўлмаган объектлар (фирма, хўжаликлар, кичик корхоналар, жамиятлар, хусусий дўконлар ва б.) буюк аждодларимиз (алломалар, машҳур кишилар) номи билан аталмаслиги керак».

Шахс номларининг топонимга кўчишида маълум аниқликларни талаб қилувчи яна бир масала бор. Бу ҳам бўлса, умуман шахс номларини қандай объектларга бериш мумкин, бунинг бирор чегараловчи шартлари борми?

Истиқлол ўлкаси Ўзбекистон топонимик сиёсатида номларни сийқалаштиришдан воз кечмоқда. Вилоят, туман, шаҳар, қишлоқ ва бошқа хил аҳоли пунктларига шахс номларини беришнинг таъқиқланиши бунинг ёрқин мисолидир. Мана шу маънода мактабларга, майда савдо шахобчаларига, ўрта махсус олий ўқув юртларига шахслар номларини бериш ҳам шарт эмас. Ҳозирда вилоятларда мактабларга шахс номини беришдан воз кечилмоқда. Олий ўқув юртларида ҳам қўш номликдан сақланиш зарур. Масалан, Низомий номидаги Тошкент Давлат институти деб аташ қўш номликни туғдирмоқда, холос. Одатда мавжуд номга яна бирор шахс исму фамилиясини тиркаш объект номининг шаклан узун ва ноқулай бўлишига олиб келади. Бу ҳол аслида умуман атоқли отлар, жумладан топонимия қоидаларига зиддир. Чунки жой, объект номлари иложи борича лўнда, шаклан қисқа бўлмоғи керак.

Жуғрофий объектлар, ҳудудлар, аҳоли истиқомат қилувчи ўринлар, маконларни шахс номи билан аташ қадимдан мавжуд бўлиб келаётган удум. Жойларга шахс номларини бериш анъанасидан тамоман воз кечиб бўлмаслиги аниқ. Аммо номи абадийлаштиришга муносиб деб топилган шахс олдига қўйиладиган талаб ва шартлар, мезонлар бўлиши керак. Расмий-норматив ҳужжатларда бу масала етарли равишда аниқланган ва белгиланган эмас. Ўзбекистон Республикасидаги топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи Республика комиссиясининг 1996 йил май ойида қабул қилинган Низомида комиссия «...номини бериш тавсия этилаётган кишининг мамлакат халқи олдидаги улкан хизматлари, номи қўйилаётган жойга ва соҳага алоқаси, уни бунёд этиш ёки ривожлантиришга қўшган ҳиссасини ҳисобга олади», дейилган. Қўйилаётган учала талаб ҳам жуда тўғри ва ўринли. Шунингдек, жойларни номлашга доир расмий тавсияларда «буюк аждодларимиз» ибораси учрайди. Бу ибора ўзбек халқининг узоқ ва яқин ўтмишда яшаб ўтган, тарих синовларига бардош бериб халқнинг миллий фахри ва ғурурига айланган улуғ фарзандларини англатади. Булар Амир Темур, Улуғбек, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Аҳмад Яссавий каби сиймолардир. Булар қаторига ўтмишда ўзбек халқининг илмий, маданий-маънавий, диний-фалсафий меросига улкан ҳисса қўшган ёзувчилар, алломалар, маъмурлар, рассомлар, тарихнавислар, тилшунослар, табиблар, ўз ўлкасининг озодлиги ва мустақиллиги учун курашган улуғ саркардалар, қаҳрамонлар киради. Бундайлар аслида ўз номини абадийлаштиришга муҳтож ҳам эмас. Улар аллақачон кўҳна тарихнинг эъзозли тўридан, халқи қалбидан ўрин олган. Ҳозирда биз улар номи билан жойларни номлар эканмиз, бу билан ўзбек халқининг ўз улуғ аждодларига яна бир бор эҳтиромини, эъзозини изҳор қиламиз. Демак, номини абадийлаштиришнинг энг мўътабар, энг ишончли ва адолатли, тўғри мезони бу тарих синовидан, халқ назаридан ўтишдир. Буюк аждодларимиз номини жойларга беришни бу ўринда тарихнинг, абадият ва адолатнинг ўзи тавсия қилиб турибди. Муносиблик мезонининг энг тўғри ва улуғ ўлчови мана шунда!

Ҳозирда биз оламдан ўтган кўпгина ардоқли замондошларимизнинг халқ орасида машҳурлиги, жамият учун қилган меҳнати, яхшиликларини ҳисобга олмоқдамиз. Афсуски, машҳурлик мезони ниҳоятда кенг тушунча бўлиб чиқди. Бордию ҳозирга қадар номи абадийлаштирилган шахсларга мана шу нуқтаи назардан бир разм солинса, улар орасида умумжаҳон, умумбашарий машҳурлари, собиқ иттифоқ доирасида машҳурлари, Ўзбекистон Республикаси доирасида машҳурлари, қолаверса ўз вилояти, туман ёки ўз қишлоғи доирасида, ҳатто ўз маҳалласи доирасидагина машҳурлари ҳам бор. «Машҳурлик» тушунчаси ва унинг доирасини мана шундай кенг ва тайғалоқ бир тарзда тушунмоқдамиз. Бу жиддий ўйлаб кўришга арзигулик масаладир.

Умуман шахслар номини абадийлаштиришга бўлган талаб, бунга муносиблик мезонлари жуда юксак бўлмоғи керак. Аммо, афсуски, доим ҳам мана шундай бўлавермайди. Халқимизда «охири бахайр бўлсин», «ишқилиб буюрсин» деган ҳикматлар бор. Кўчалар, жойлар, мактабларни шахс номи билан аташнинг ўзига яраша турли чигалликлари эртадир-кечдир келиб чиқади. Шунинг учун бўлса керак, балки Ғарб ва АҚШнинг йирик шаҳарларида кўчаларни номлар билан эмас, рақамлар билан юритишади.

Ҳар ҳолда бу бобда энг қулай ва оқил усулларни қўллаш фойдадан холи эмас.

**Эрнст БЕГМАТОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор**



Ҳозир биздан Ўзбекистонда биринчи бора «Электротехника» дарслигини ким ёзган? Ким бу соҳада биринчи бўлиб Санкт-Петербургда энг юксак илмий даражани ёқлаган? Ким илк бора Ҳёте, Ҳейне, Шиллер каби улуғвор Европа намояндаларини немис тилида ўқиган? — деган саволларни сўрашса, дафъатан жавоб беролмаслигимиз мумкин. Ҳолбуки, берунийлар, синолар орамизда ҳамма вақт бўлган ва халқнинг ўчмас чироғи каби доим ёниб турганлар. «МТ» шундай берунийлар, синолар ҳақида «Зиёли шажаралар» рукни остида ҳикоя қилишни истайди. Ва бугун улардан бирини сизга ҳавола этмоқда.

Зиёли шажаралар

# УЧ ЧИНОР

Республикамиз электротехника мактабининг асосчиларидан бири Ғ. Р. Раҳимов 1905 йилда Тошкентда деҳқон оиласида таваллуд топган. Унинг отаси вафот қилганида Ғофиржон ҳали дунёга келмаган эди. Ота меҳрини кўрмаган, унинг жамолига тўймаган гўдак асосан онаси Шарофат Расулова, шунингдек акалари Собиржон ва Шокиржон Раҳимийлар тарбиясида, опалари Адолат, Хосият, Саломатхонлар тарбиясида вояга етди.

Бошланғич маълумотни катта акаси Собиржон Раҳимий (атоқли маориф ташкилотчиларидан, мактаб директори, халқ орасида «Собир домла» номи билан машҳур) ёрдамида олди; уни тарбиялашда иккинчи акаси Шокиржон Раҳимий (Биринчи ўзбек алифбоси «Совға» ва қатор дарсликлар муаллифи, тил соҳасида таниқли олим, маориф жонкуярларидан, Тошкент вилоят маориф бўлимининг мудири, Москвадаги ўзбек ёшларини институтларга тайёрлаш ва шарқ нашриётининг вакили) ҳам муносиб ҳисса қўшди.

У дастлаб 1918 йилдан бошлаб Тошкентнинг Хадра маҳалласидаги мактабда таҳсил кўради, бу мактабда ёзувчилардан Ойбек, Ҳ. Ёқубов, М. Осимовлар билан синфдош бўлган.

Мен уни асосан 6 ёшлик болалик давримдан бошлаб эслайман. Тахминан 1929 йил август ойида отам Санкт-Петербург ва Москвада таҳсил кўраётган Ғофирнинг дўстлари — студентларга Юнусобод мавзесидаги Болта мозор қишлоғида жойлашган боғимизда зиёфат бердилар. Зиёфатда иштирок этганлардан Ойбек, Саттор, Ҳидой деган ўртоқлари ёдимда. Зиёфат оқшомдан кечаси 2-3 ларгача давом этди. Зиёфатда турли мавзуларда қизиқарли суҳбатлар, куй ва ашулалар жаранглар, қийқириқ кулгилар тез-тез эшитилар эди.

Шу йиғинда 20 нчи йилларнинг бошларида Санкт-Петербургда бўлиб ўтган сув тошқини, Ғофир акамнинг соғлиги ҳақида Тошкентда хавотир бўлишгани, отам Собиржон Раҳимий 7 кун поездда йўл юриб, унинг ҳолидан хабар олиб келгани, сув тошқини эпизодлари ҳақида айрим лавҳалар гапириб берилган эди.

Сув тошқинидан жуда жиддий хавотирланган бувим Шарофат Расулова Ғофир акам ёзда Тошкентга каникулга келганда Санкт-Петербургга қайтиб боришга рухсат бермаган. Лекин акалари, опалари ўртага тушиб, уни зўрға кўндиришган.

Ғофир акам ўқиш давомида акаларидан моддий ёрдам олиб турган. Ўша даврдаги шаҳар обидаларини, музейларини бориб кўрган. Адабий кечалардан бирида Маяковский, Есенинларни тинглаган.

Тайёрлов бўлимини тамомлагандан кейин уни техника фанлари бўйича касб танлашида биринчидан Санкт-Петербургдаги илмий мунозаралар, иккинчидан, тарихчи олим Якубовский сабаб бўлган, акаси Шокиржон Раҳимийга техника фанлари бўйича Ғофирни ихтисослашишига маслаҳат берган.

1931 йил мен Болта мозордаги боғимиз атрофидаги тўқайда қўй боқар эдим. Қишлоқ болалари Ғофиржон амаким келганлигини хабар қилишди. Ғофир акамни соғинган эдим. Отам Тожикистонга кетган, уйимизда эркак йўқ. Онам колхозда ишлар эди. Тез чопиб қўрғонимизга яқинлашдим. Ғофир акам билан қучоқлашиб кўришдим. Кечқурун колхознинг чойхонасига чиқдик. Ғофир акам янгича фасонли оқ шим ва кўйлак кийган, бошда оқ шапка, кўз ойнак таққан эдилар. Колхозчилар Собир домланинг укаси ўқишни тамомлаб келибди деб, уни ўртага олиб, турли саволлар бера бошладилар. Ғофир акам чойхонадаги қора чироққа тикилиб, тезда электр стансиялари қурамиз, барча қишлоқларда, хонадонларда электр чироқлари ёнади, ҳатто ўтин ўрнига электрда овқат қилинади, сув иситилади. Юнусободга трамвай излари тортилади, деганларида одамлар жуда диққат билан эшитишган эди.

Бу воқеага 60 йилдан ошди.

Кейинги йилларда ҳақиқатдан ҳам шундай бўлди.

Ўша куни менга олиб келган совғалари «Гулливернинг саёҳатлари» китобини тақдим қилдилар ва 800 саҳифали, жуда кўп расмли бу китобда (Академия нашр қилган) фақат лилипутларгагина эмас, балки отлар мамлакати ва новча одамлар яшайдиган мамлакатларга Гулливернинг саёҳати ҳақида ҳикоя қилинар эди.

Шундан кейин 1933 йилда турмуш қурдилар, тўйлари бўлди. У вақтларда мусиқачи топиш қийин эди. Мен колхоз мусиқа тўгарагида скрипка чалишни ўрганаётган эдим. Келиннинг уйига борганимизда бир-икки марш чалиб бердим, ашулачига жўр бўлдим.

Ғофир акам дастлаб Тахтапулда оналари ҳузурида яшадилар. Кейинчалик янги шаҳар Папанин кўчасидаги уйга кўчиб ўтдилар, лекин ҳар ойда 2-3 маротаба оналарини келиб кўриб кетар эдилар. Шу йилларда оналарини кўргани келганларида ишчилар шаҳарчасида истиқомат қилувчи ёзувчи Ойбекнинг олдига кириб суҳбатлашиб қайтар эдилар, чунки улар ҳатто Петербургда ҳам бирга ўқишган, дўстлик юлдузлари жуда тўғри келган қадрдонлар эди.

Баъзан биз Ғофир акамни кўргани борар эдик. Мен ўзим борганимда мени театрга музей ва истироҳат боғига олиб борар эдилар. Ҳар доим қандай ўқишимни суриштирар, газеталарда босилиб чиққан хабарларимни кўрсатганимда, булар ҳаммаси катта-катта мақолаларнинг даракчилари дер эдилар. Ҳақиқатдан ҳам, илмий изланишларим мухбирликдан бошланган десам хато қилмаган бўламан. Баъзан уч ака-ука, Собиржон, Шокиржон, Ғофир акам дам олиш кунлари бирга ўлтириб, турли мавзуларда суҳбат қилишар, бу суҳбатларда ўзаро ҳурмат, мазмунли фикрлар ҳоким, баъзан кулги бўлиб турар эди.

Айниқса Шокиржон амаким Кавказдаги тилшунослар конференсиясида машҳур тилшунос, академик Марр билан кўришгани ва 1933 йилдаги Файзулла Хўжаев бошчилигидаги делегатсиянинг Ўзбекистон оталиғидаги «Марат» кемаси коллективи билан учрашгани, Ўзбекистон ишлаб чиқариш кучлари ривожланишига бағишланган конференсия таассуротлари жуда қизиқиш билан эшитилгани ва Ғофир акам Шокир амакимга қатор саволлар бергани ёдимда.

1937 йилнинг чидаб бўлмас қатлиом изғиринлари бизнинг оиламизни ҳам қуршаб, қақшатди. Унинг акаси, менинг отам Собиржон Раҳимий туҳматдан қамалди. Фақат 5 йилдан кейин озод қилинди. Иккинчи акаси Шокиржон Раҳимий ўз ҳамкасблари Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат ва бошқалар билан бирга отиб ўлдирилди. Мен танлаган ва севган касбим — тил-адабиёт ўрнига молия институтига кириб ўқишга мажбур бўлдим. Акалари туфайли Ғофир амаким ҳам бир неча маротаба сўроқ бердилар. Ана шу мураккаб вазиятда Ғофир Раҳимий кам маош олиб ишлаганига қарамасдан онасидан тез-тез хабар олиб турарди. Ўзини мустаҳкам тутиб, номзодлик диссертатсияси устида иш олиб борди. Унинг ҳимояси жуда юқори даражада ўтди. 40 лаб схема ва диаграммалар илиб қўйилиб, ечилган муаммолар моҳирлик билан олимларга баён қилинди. Уни рус тилида русларга нисбатан ҳам тиниқ ва иборали гапириши, саволларга берган жавоблари кўпчиликни ҳайратда қолдирди. Унга бир оғиздан якдиллик билан овоз берилди.

Бу энергетика соҳасида ўзбеклардан биринчи ёқланган диссертатсия эди.

1940 йилда унинг ҳимоясида иштирок этганим менинг учун ибрат ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлди. У вақтда молия институтининг 2-курсида ўқир эдим, келажакда мен ҳам диссертатсия ёқлаш ҳақида астойдил орзу қила бошладим.

Мен 1949 йилда номзодлик диссертатсиясини ёқладим. Ғофир акам докторлик диссертатсияси устида ишлай бошлаганликларидан хабар топиб мен ҳам бу йўналишда иш бошладим. Диссертатсия ёқлаш, ёзиш учун Ғофир акам 2 йил шимолдаги Политехника институтига командировка қилинган эдилар. Ёзда Тошкентга келганларида мен бориб, амаким яшаган хонага жойлашиб, шимол кутубхоналари ва архивларидан ўз тадқиқотим учун материаллар тўплар эдим. Шундай қилиб Ғофир акам менга ҳар томонлама намуна ва йўлчи юлдуз бўлдилар десам хато бўлмайди.

Баъзан онам Ғофир акамга ҳар куни ишлашим, соғлигимга унинг таъсири ҳақида шикоят қилар эдилар. Ғофир акам уни юпатиб «кўпи кетиб, ози қолибди», — дер эдилар.

Проф. Ғофир Раҳимий ўз шахсий ҳаётида жуда камтар, инсон: у юксак одамийлик хусусиятларига эга эди. 1941 йилда мен оғир касал бўлиб қолдим. Иш билан банд бўлганликларига қарамасдан мени ўнлаб таниқли врачларга кўрсатдилар, чунки амаким учун мен унинг укасидан афзал эдим. Бу даврда отам ва катта амаким қамоқдан озод бўлмаган, менга руҳий жиҳатдан ота ўрнини босиш муҳим аҳамиятга эга эди.

Ҳатто отам қамоқдан озод бўлиб келганларидан кейин ҳам Ғофир амаким менга ғамхўрликларини давом эттирдилар. Менга турмуш ўртоғи танлашда, мен танлаган қизларнинг оталари билан музокара олиб боришда ўз хизматларини аямадилар... У менинг фарзандларимни худди ўз ўғилларидек эркалар, улар билан зерикмасдан суҳбат қилар эдилар.

Фақат жиянларигина эмас, балки ўрта мактабни тамомловчи ёшлар орасида техника фанларини ўрганишга ҳавас уйғотишга ҳаракат қилар, ҳар йили бир неча ўрта мактаб ўқувчилари билан учрашув ўтказиб, техника тарғиботига алоҳида аҳамият берар, газета ва журналларда муттасил қатнашиб турарди. Йирик газета таҳририятида жамоатчилик кенгаши аъзоси эдилар. Унинг бу фаолияти 1933-34 йилларда эълон қилган «Учиш ва учқунлар» номли рисоласини ёзишдан, қатор рисолаларни ўзбек тилига таржима қилишдан бошланган эди. У араб, лотин имлосида ёзишни билар, ўзбек адабий тилини яхши эгаллаган эди. Кейинчалик у яратган «Электротехника» бўйича биринчи дарслик бунга мисол бўла олади.

Ғофир Раҳимовнинг кўпчилик олимлардан ажралиб турадиган хусусиятларидан бири унинг ҳар томонлама етарли даражада билимга эга бўлиши, унинг универсаллигидир. У фақат ўз ихтисоси бўйича бўлган адабиётларнигина эмас, балки техника фанларнинг барча соҳаларига доир китобларни кузатиб борар, техника фанларидаги муаммоларни фалсафий асосда исбот қилиниши ҳақида файласуф олимлар билан хат ёзишиб турар, улар билан фикрлашар эдилар. Инглиз, француз, немис тилларини, айниқса инглиз тилини пухта эгаллаганликлари туфайли жаҳон миқёсида техника таълимоти ривожланишига доир ғояларни илгари сурар, халқаро конференсиялар ва симпозиумларда инглиз тилида маърузага чиқар эдилар.

Унинг хусусиятлари орасида янгиликка интилиш, мураккаб ишларни бажаришда тезкорлик ва ғайрат билан киришиш ва охирига етказиш, ҳар бир ишни бажаришда ҳалоллик ва принсипиаллик, юксак одоб, вақт қадрига етиш, берган ваъдасини устидан чиқиш ва бошқа ажойиб хислатларни санаб кўрсатиш мумкин.

У фақат техника фанлари соҳасидагина эмас, балки иқтисодиёт масалалари бўйича ҳам етарли билимга эга эди. Мен билан кўп масалаларда баҳслашар, бадиий адабиётни жуда севар эдилар. Дўсти Ойбек билан суҳбатлари ўзбек адабиётининг ўша даврдаги йўналишлари ҳақида борарди. 30-йилларда Москвада Шокиржон Раҳимий билан турганда Чўлпон билан бир неча маротаба гаплашган, унинг шеърлари Гёте, Байрон, Гейне шеърлари билан таққосланганини менга сўзлаб берган эдилар, чунки чет тилларни билгани учун жаҳон адабиёти намоёндалари асарлари билан ҳам таниш эдилар. Чўлпон — ўзбек Байрони деган эдилар.

У Ойбекни жуда севар эди.

Ойбек вафотидан бир неча ой ўтгандан кейин Ғофир акам ҳам бетоб бўлиб қолдилар. Мен шифохонага кўргани бордим, сенда Ойбекнинг «Навоий» асари борми, деб сўрадилар. Сиз бу асарни ўқиган эдингиз-ку дедим. Ғофир акам яна ўқигим келади, уни ўқисам Ойбек билан гаплашгандай бўламан. Ойбекдек инсон орамизда йўқ, дедилар.

Фан ва санъат эгизакдир. Ғофир акам билан уруш йилларида Европа шаҳарларидан келган театрларнинг операларини, Украина драма театри спектаклларини бирга кўрганмиз. Кинофилмларни муҳокама қилиб, бадиий асарларни таҳлил қилганмиз.

У Навоийни жуда яхши биларди. Айниқса «Садди Искандарий»даги Искандар образи, Аристотел фикрларини тушунтириб берар эди.

«Фарҳод ва Ширин»да Фарҳод ролини ўйнаган Маҳмуджон Ғофуров, ундан олдин Карим Зокирий, Хисрав ролида Қори Ёқубов, Хамлет ва Отеллода Аброр Ҳидоятов, Навоий спектаклида Олим Хўжаев, Шаҳодатхоним Мағзумованинг «Юрак сирлари» асарида ўйнаган ролларига юксак баҳо берган эдилар.

Мен бир кун Иззат Султоннинг «Имон» песасидаги Ўзбекистон халқ артисти Олим Хўжаев ўйнаган профессор роли сизга жуда ўхшаб кетибди дедим. Ғофир акам спектаклни бориб кўрдилар ва менга «Гап фақат менинг ташқи кўринишим эмас, балки олимнинг ички дунёсини ечишда, бу жиҳатдан ҳам Олим Хўжаев юксак талант эгаси эканлигини кўрсатган», дедилар.

Бир куни суҳбатимиз мавзуси илмий фантастика масалаларига бағишланди. Ғофир акам Уэлс, Жюл Верн, Конан Дойл, Беляевларнинг асарларини ўқиганликларини айтиб, улардан мисоллар келтирдилар. Кейинроқ билишимча, ҳар бир маърузаларида фантастик асарлардан мисоллар келтирар эканлар, ўзлари раҳбарлик қилаётган бўлажак фан номзодларига техника билан боғланган фантастик асарларни кўплаб ўқишни тавсия қилар эканлар.

Ғофир Раҳимий фазилатларидан бири юксак эслаб қолиш қувватининг мавжудлигидир ва нотиқлик маҳоратидир. Мен мактабда ўқиб юрган давримда эслаб қолиш қувватини кучайтириш учун кўплаб шеър ёдлашни тавсия қилар эдилар. Унинг нотиқлик маҳорати ҳақида гапирар эканмиз, 2-3 соат қоғозга қарамай, ҳатто тўхтамай доскага математик формулаларни ёддан ёзиб маърузада Нютон, Фарадей, Эддисон, Попов, Менделеев ва бошқа олимларнинг ҳаёти билан маърузани боғлаб унинг илмий ва тарбиявий қувватини оширганликлари, лекторлик маҳоратини қиёмига келтириб артистлардек ролга кириб кетишларини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак.

Ғофир акам ҳар бир инсонни, ҳар бир толибни қадрлар, ҳурмат қилар эдилар, унга ёрдам бериб кўнглини олишга интилар эдилар.

Амаким ҳақидаги хотираларим беҳисоб, битмас-туганмасдир. Бу масалада тилга олинган воқеалар, эсдаликлар денгиздан бир томчи. Мен бу хислатларни тўплаб, китоб шаклига келтирсам дейман. Ғофир Раҳимов сиймосида биз ўзбеклардан етишган мустақиллигимизнинг энг муҳим моддий базаси — энергетика ва электротехникани ривожлантиришга ҳаётини бағишлаган фан ва техника арбоби, кўп қиррали билим ва талант соҳиби, хилма-хил инсоний, юксак маданият фазилатларини ўзида мужассамлаштирган, тиниб-тинчимас, ғайратли олим ва ишчан устоз, изланувчини тасаввур қиламиз.

Ғофир Раҳимийнинг ҳаёти ёшларимиз учун, айниқса ўзини техника тараққиётига бағишлашни мақсад қилиб қўйган ёшларимизга ибратли, муҳим тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Ғофир Раҳимов бошлаган ишларни биринчи навбатда унинг фарзандлари давом эттирмоқдалар. 6 фарзанднинг ҳаммаси олий маълумотли, улар орасида техника фанлари доктори, фан номзодлари бор. Ғофир Раҳимий ҳаёти уларни янги зафарларга илҳомлантирмоқда. Унинг таълимотлари бўлажак муҳандисларимиз, фан номзодлари йўлини ёритиб турибди.

**Ҳикмат СОБИРОВ**




## ХОРАЗМШОҲ ТАРАДДУДИ

Бу муборак хабарни Хоразмшоҳ эшитиб, кўп ҳадя ва тўҳфалар сарф қилди. Аркони давлат, амирлар ва олимлар билан бирга истиқболга чиқишга ихтиёр қилар, яна бундан қайтар эди. Йўлда келаётганларни учратган одамлар эса такроран хабар келтириб, Хоразмшоҳдан инъом олур эдилар.

Охири улар Сарвонтепага етиб келдилар. Бу мавзе яқинида бўлган урушда икки азизи ботамиз кўп қалмоқларни қириб, Хеваќни озод қилган эканлар. Бу икки азизи ботамизнинг совутлари, зириҳлари, чаҳоройналари, дубулғалари ва курталари бор эди. Темир совут кийиб олган эдилар. Бу икки саодатли шарофат эгаси қолган қалмоқларни қувлаб кетган эканлар. Хевақ вилоятининг одамлари бу икки гавҳарни излаб-излаб шу мавзедан топган эканлар. Уларнинг исмлари маълум бўлмагани сабабли, шу ердан топганлари учун, бу ерни Зириҳи Шаҳидон деб от қўйибдилар. Ҳозир нодон кишилар уни Зириҳи Шикон дейдилар. Бу ғайри мўътабар сўздир. Зириҳ: деб совутни айтадилар, Шаҳидон деганда «икки шаҳид» тушунилади. Шундай қилиб, Зириҳи Шаҳидон уларга лақаб бўлиб қолди.

Ҳазрати Паҳлавон алайҳи-р-раҳма ва-р-ризвон шу мавзега етиб келдилар. Хоразмшоҳ уларга муштоқу интизор ва ошиғу беқарор бўлиб турган эдилар. Ҳазрати Паҳлавоннинг шул манзилга кириб келганларин эшитиб, жар солдириб барча одамларни истиқболга чиқишини ва бандавор хизматда туришларини, бўлмаса подшо сиёсатига мубтало бўлишларини эълон қилдирди. Ўзи эса кўпгина тилла танга ва пояндозларни олиб, хос маҳрамлари ва умарою уламолари билан шу мавзега чиқиб турдилар. Ерга пояндозларни тўшаб, бошларига тиллалар сочиб кутиб олдилар. Барча одам Хоразмшоҳ бошлиқ оёқларига бош қўйиб, зору тазаорру қилар эдилар. Барча уламолар бир бўлиб, подшонинг тарки ҳурмат қилган гуноҳини кечиришларини сўрдилар. Улар ҳам қабул йўкинида гуноҳларини афв қилдилар. Хевақнинг эркагу хотинлари, ёшу кексалари, каттаю кичиклари барчаси келиб зор-зор йиғлаб кўриштилар ва уларнинг муборак жамолларидан ҳаммаси масти мустағрақ бўлдилар. Бул мавзеда уч кеча-кундуз бўлиб, эҳсонлар қилиб, жашн ораста қилдилар ва базми хусравона, зиёфати шоҳоналар айлаб, тўйу тамошолар қилдилар. Барчалари базм айёми билан жоми айшни фалакка етқазиб, майи шодлик билан маст бўлдилар. Хоразмшоҳ бошлиқ барча умаро ва уламолар мурид бўлдилар.

Шундай қилиб, тўртинчи куни шаҳарга жўнаш ҳақида маслаҳат қилдилар. Ҳазрати сарвари авлиё Паҳлавон ато алайҳи-р-раҳма дедилар:

— Мен ҳассамни судраб пиёда борсам, то қиёмат бўлгунча фуқаролар осонликча сув ичар, шунинг учун пиёда кетарман.

Шул вақтда ҳамма умаро ва фуқаролар подшоҳ бошлиқ фиғон қилиб йиғладилар.

— Ҳиндистондан то шу ергача елкамизга миндириб кўтариб келтирсак оз эди, осонликча сув ичамиз деб, сиз ҳазратни пиёда юргизиб, ўзимиз сувори бўлиб юрсак, бу нечук бадбахтлик ва бу нечук шармандалик бўлур?! Меҳнатли ишда лаззат зиёда бўлур. Бунда қолганлар қазиб ичсун, шунда ҳалоли таййиб бўлғай! — деб кўп-кўп зори билан ожизлик ва ёлборишлик изҳор қилдилар.

— Сиз ҳам сувора бўлиб юринг, бизлар шотир бўлиб кетсак, муродимизга етармиз, не бўлғайким биз ғарибларнинг арзини эшитиб, сиз Ҳазрат сувори бўлиб, шоҳона бориб, Хевақ шаҳрини нурафшон қилсангиз, сизлар фармонбардор бўлсак, жиловингизда юриб борсак, айни карам бўлур эрди, — деб кўп ялиниб-ёлбордилар.

Бу ҳазрат ҳам уларнинг муддаоларини қабул қилиб, сувори бўлдилар ва подшо бошлиқ барча ходиму ғуломлар ҳам шаҳарга равона бўлдилар.

## ҚИРҚ ИХЛОСМАНД

Аммо ул сарвари авлиё, шоҳи асфиё, муқтадойи олам, пешвойи Хоразм, санаду-л-атқиё, қудуввату-л-авлиё, шери мардон ва паҳлавони оламиён, қуддиса сирруҳу, ло зола осору барокатиҳи ила явми-л-қиёма, бўлмиш ҳазратни подшоҳ ва Хоразм халқи назарга илмай, иззат қилмай, тарки адаб қилиб юрганда, Хевақда қирқ киши бўлиб, улар Бухоро усталари эдилар. Дурадгорлик қилардилар. Улар шоҳи авлиёга пок эътиқод қўйган ва самимий ихлос қилган эдилар. Подшо ҳамда элдан пинҳона ул ҳазратга ходимлик қилар эдилар ва молу жонларини аямас эдилар.

Ҳазрати сарвари авлиё Ҳиндистондан соҳиби иззат бўлиб қайтганларида шу қирқ покиза эътиқодли мухлисларини талаб қилдилар. Улар ҳам фараҳноку шод бўлиб, бир неча туҳфаю ҳадялар билан ҳозир бўлдилар ва бандалик расмин адо этдилар. Бу қирқ кишига ул ҳазрат меҳрибонлик кўрсатиб, шафқат юзасидан дедилар:

— Сизлар менинг жонимсизлар, меним болаларим турурсизлар, ҳар бирингиз биттадан қопқоқ ясаб келинглар.

Бу сўзнинг сабаби шу эдики, Хоразм подшоси ул ҳазратга қирқта қозон хайр қилган эди. Уларнинг ҳар бири бир ҳовуздек келарди. Шу қирқта қозонга қирқта устани мутасадди қилиб қўйдилар. Ҳар бир уста ҳар куни биттадан қопқоқ ясар, ул Ҳазрат ўзларининг муборак қўллари билан қабул қилиб олар эдилар. Қўлларини қонқоққа тегизганларида қонқоқ олтинга айланиб қоларди. Ҳудонинг қудрати билан ҳар куни қирқ қопқоқ олтинни хайр қилиб, тамоми аҳли Хевакқа ошу нон улашар эдилар. Аммо битта қопқоқни усталарга инъом қилар эдилар. Усталар бу қопқоқни ўз ҳожатлари учун ишлатар эдилар.

Хоразм халқи бу кароматни ошкора кўриб, уларга мухлис бўлиб, эътиқод қўйдилар. Аммо ўзлари шу обу таомдан емас ва ичмас эдилар. Бир касб билан машғул бўлиб, нон топиб ер эдилар. Нонни ҳам ярмини садақа қилиб, ярмини ўзлари ердилар. Ул ҳазрат кучли риёзат чекиб, таҳорати комила билан Худонинг зикрига машғул эдилар. Доимо ғаму алам ва ранжу ситамда бўлур эдилар. Тавилу-л-ҳузн эрдилар, бир дақиқа шодликка берилмас эдилар. Баъзи вақтда рубоий тасниф қилур эдилар. Рубоийлари вилоятларда машҳурдир. Хусусан, Хоразм диёри билан Ҳиндистон мамлакатида маълум ва машҳурдир. Нодон ва аҳмоқлар ҳақида бир рубоийни илтифот қилдилар, ул рубоий бу ерда ёзилди.

Ўша рубоий мана будир:

***Се сад Кўҳи Қофро ба ҳован судан,***
***Нўҳ тоқи фалак ба хуни дил андудан,***
***Сад сол асири банди зиндон будан,***
***Бех з-он ки даме ҳамдами нодон будан.***

Таржимаси:

***Уч юзта Кўҳи Қоф тоғини келида туйиш,***
***Тўққизта осмонни юрак қони билан бўяш,***
***Юз йил зиндонда асир бўлиб ётиш,***
***Бир лаҳза нодон билан ҳамсуҳбат***
***бўлишдан яхшидир.***

Аммо ул Ҳазрат одамларни яхши кўрар эдилар. Агар одамлар хоҳ бой бўлсин, хоҳ камбағал бўлсин, аҳил бўлсалар, уларни мақтар эдилар. Бу ҳақда бир рубоий илтифот қилиб эрдилар, табаррукан бу ерда келтирилди. Ўша рубоий мана будир:

**Жонам ба фидоий он, ки у аҳл бувад,**
**Сурури қадамаш ниҳи агар саҳл бувад.**
**Хоҳи, ки бидони яқин дўзахро,**
**Дўзах ба жаҳон суҳбати ноаҳл бувад.**

Таржимаси:

**Аҳл бўлган одамга жоним фидо бўлсин,**
**Унинг қадами бошиму кўзимда бўлса ҳам,**
**у менга енгилдир.**
**Агар дўзахни аниқ кўришни истасанг,**
**Дунё дузахи бу — ноаҳл одам суҳбатидир.**

Аммо ул ҳазрати шоҳи авлиё кўп рубоийлар айтганлар. Ўзларининг равзаи муборакларида хонақоҳларида кошинбанд мактуб қилингандир. Уларни тамом била олмадим. Агар била олсам эди, барини ёзган бўлардим, Уларга, авлодларига, дўстларига ва тобеларининг барчасига Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, улар билан бизни ҳам ўз раҳматига олсин! Би-раҳматика, ё арҳама-р-роҳимийн!

**Давоми келгуси сонда**

МАЪРИФАТ МАНЗИЛИ

# Фаришта ва бола

Ҳаёт дарахтида янги куртак ниш уриши биланоқ осмон маъмуриятининг оқ булутлар билан ўралган еттинчи қаватида момақалдироқ янгради. Навбатчи фаришта уйқу элитган кўзларини ишқалаб, ҳушёр тортди.

— Инсон дунёга келди, расмийлаштиринг.

Фаришта шараф китобини очиб, ҳаёт суви билан инсон номини ёзиб, олдидаги қизил тугмачани босди. Фалакнинг юзида янги юлдуз пайдо бўлди-да, ортидан иккита фаришта учиб чиқди.

Наватчи фаришта жиддийлашиб сўради:

— Малакангизни оширганингиз тўғрисида гувоҳномангиз бор. Хўп, сизларга ким сабоқ берди?

— Тўқсоба Усмонов — милитсия полковниги.

— Зукко олим, яна таъкидлайман. Инсон гуноҳи йигирма ёшгача гувалага ёзилиб, бир ёмғирдаёқ увалашиб кетади, деган назария инкор этилган.

Сиз фаришталар савоб ва гуноҳини ёзаётган даврингизда шу савоб ва гуноҳни туғаётган муҳит ва шароитни ҳисобга олиб ўша бандаларини ҳам ҳужжатда расмийлаштиринг. Нурли йўл.

Фаришталар биринчи қуёш нурли йўлкасида ерга тушиб, янги чақалоқнинг ўнг ва чап курагига жойлашиб олдилар.

Фаришталар хафа. Тараққиёт уларни асрий уйқусидан турғазиб ўқишга, янги усуллар бўйича ишлашга мажбур этган. Энди фикр юритишга мажбур қилиб, вазифаларнинг масъулияти оғирлашган.

Аввалгидек гуноҳ ва савобни ёзавер-да, қолганини бошлиқларга ҳавола; ўзлари билишади.

Чақалоқ уйғониб йиғлади. Ҳовлидаги келин югуриб келди-да, қўлига олди:

— Сенга нима бўлди жонгинам?

— Таги ҳўл бўлгандир. Сизга неча марта айтдим. Бешик жоннинг ҳузури, ҳам иссиқ бўлади. Йўргак ювиш енгиллашади. — деди эшикда пайдо бўлган қайнана ҳўмрайиб.

— Билмадим ойи, бешикда бола эркин ўсмайди дейишади.

— Сизлардан ортиб қаерга боради, ҳаммангизни шундай боққанмиз.

Келин қайнанага тегиб кетиб, жанжал уясини кўзғатмаслик учун тилини тишлаб, чақалоғининг устига энгашди.

Орадан ҳеч фурсат ўтмай чақалоқ бешикка беланди. Устига устак онаси бир ёндан эмизди, фаришта дафтарга «Бола эркин ўсмаяпти. Боши қийшиқ, гўзаллиги бузилган», деб ёзиб қўйди.

Бола уйғонди. Тили чиқиб яна ҳам ширин бўлди. Кейин қитмир бўла бошлади. Ҳар бир нарсага қизиқиб, сўрар, катталарнинг бошини қотириб юборарди. Улар «ишинг бўлмасин», «катта бўлганингда биласан, бола», деб дашном бериб тўйдиргач, бола инжиқлашди. Кейин бироз одамови бўлиб қолди. Фаришта дафтарга:

«Фикрлаш қобилияти ўсиш ўрнига сусайиб кетяпти».

— деб ёзиб қўйди.

Вақт ўтган сайин бола узунгина улғаяр, катталар билан дардлашмас, писмиқ бўлиб қолди. Лекин ёш ниҳол юқорига интиларди.

Мактабда ўқирди. Фаришта ҳам дафтарига: «Иссиқ кийим, ўртамиёна ебичиб ўсаяпти», деган мақтовни ҳам ёзиб қўйди.

Куртак баргга, кейин шохга айланиб, кунлардан бир кун бола онаси ишлайдиган ишхонасига борди. Вой-бў, улкан дастгоҳлар. Тахланган китобларни кўриб, ҳайратда қолди. Онаси бир тугмачани босган эди, катта темирлар ўзидан ўзи юриб, ишлай бошлади. У онасига ёрдамлашди. Илк бор меҳнатининг самараси китоб муқовасини олтин топгандек қўлида ушлаб турарди.

Кечқурун уйига кеч қайтди. Қалбида шодлик, қўлидан иш келади. Чопқиллаб бориб гуруч юваётган бувисига деди:

— Буви, буви-чи, биласизми, ойимларнинг ишхонасига бордим. Мен-чи, ишладим.

— Ҳи, кошки бориб ишни қойил қилсаларинг. Бир сўм топсаларинг димоғ-фироғ қиласизлар, пайти келса.

Бувиси келин пулини бекитади, деб ўйлар, ораларидан «қора мушук» ўтиб, ҳозир болага ҳужум қилаётганди. Боланинг қалби лат еса ҳам, қувончи бир дунё эди унинг. Китоб ўқиб ўтирган амакисининг ёнига югурди.

— Самад ака, мен-чи, ишладим, китоб қилдим.

— Яхши, бор, бир пиёла сув олиб кел.

Совуқ сўз музлаб ўзига қайтди.

— Олиб келмайман.

— Ҳа, қулоқсиз бўлиб қолибсан шекилли?

Али амалини Валидан олган экан. Ота-боболардан бизга ҳам қолган меросни ишлатишга мажбур бўлиб, синглисининг олдига келдида, қўғирчоғини шартта қўлидан тортиб олди. Қизча ҳам хавфни сезиб, — «ёрдамга» дегандек йиғлаш қуйини чалиб юборди. Онаси югуриб келди.

— Ҳами қўғирчоғимни олиб қўйди, улди.

— Ҳа яшшамагур. Ўзи ишдан чарчаб келганим етмайдими?

— Мен ҳам ишладим.

— Вой, ҳалитдан миллат қиляпсанми? Яхшиям жарақ-жарақ пул топмайсан. Катта бўлганингда қўлингда қарам бўлишдан асрасин.

Бола кўчага югуриб чиқди. Озгина айланар экан, тенгдошини учратиб мақтанди:

— Ишладим, мен энди ишлашни биламан.

— Менинг адам ишлайдилар, ишлаган пулларига менга роса нарса олиб берадилар. Сен неча сўм ишладинг?

— Билмадим. Бечора меҳнатни бебаҳо деб ўйлаганди.

Кечқурун кундузги «гуноҳлар»идан қўрқиб, уйига келганда отаси уйининг тўрида ғазаб тўнини елкасига ташлаб ўтирар.

— Жуда тарбиясиз бўлиб кетди. Амакисига ўдағайлайди. Синглисини уради. Қаранг, бир соат ишлаб дўқ уради. Катта бўлганда нима бўлади? — деб сўйларди онаси.

Отасининг ранги ўчди:

— Ҳали шунақами? Қани камарни олиб чиқ.

Боланинг ўксинишига қўрқув қўшилди-да, йиғлаб юборди.

Отаси юмшади. Онасининг раҳми келди. Аммо обрўни сақлаш керак. Буни билдирмадилар.

Кечаси фаришта. Кўз ёшидан ҳўл ёстиқда ухлаб ётган бола-устида: «Боланинг меҳнатга бўлган интилиши қайрилди, шох пастга қараб ўсяпти, дангасалик, ишёқмаслик нурига интилиб», деб ёзиб қўйди.

Йиллар ўтди. Бола қўшиқ эшитиб, қалбидаги оҳангни ифодалаш учун соз чалмоқчи бўлди. Йўлига «яллачи бўласанми?» — деб тўсиқ қўйдилар. Кейин эса спортга муҳаббат пайдо бўлиши билан «ўзингни қийнаб нима қиласан, яна у ер, бу еринг зарар кўрмасин», деб қайтардилар.

Шох тарвақайлаб ўсиб, охири ер бағирлаб қолди. Фаришта дафтарга «бола йигит бўлди. Балоғатга етди. На илмга, на меҳнатга интилиши бор. Иродасиз, кучсиз, бўш, писмиқ, дангаса, муқаддас нарса — пул», деб ёзди.

Ота-она хурсанд. Фарзандлари пул топади. Уйлантириб, орзу-ҳавас қилишади. Кўкракларига шамол тегди.

Шамол бўлиб тўфондан тегди. Анча тентираб, охири кичкина дўкончага ишга жойлашган йигитни «харидорлар ҳақини уриб қолган, ноёб молларни ортиқча нарх билан сотган» деб олиб кетишди.

Фаришта ёзди:

«Инсон қалбидаги ҳатти-ҳаракатларни созловчи ҳислар — илмга, меҳнатга бўлган муҳаббат ўсмади».

«Болани кийинтирдилар, еб-ичирдилар. Вақтида мактабга юбордилар. Лекин...»

Йигит қора курсига ўтирди.

— Гуноҳларга йўл бошлаганлари-чи?

— Улар жабрланганлар орасида, суд залида.

Фаришта тун пардасидан ясалган қаламни олди-да ёзди:

«Шохнинг меваси аччиқ, у ўсиб инсонларга фойда беролмайди».

Фаришта аччиқ бир уҳ тортди-да, шараф дафтарини очиб:

— Минг афсус, жабрланганларни ҳам суд қилиш керак эди, — деди-да, инсон номининг устига қора чизиқ тортди: Шу заҳотиёқ осмонда эндигина нур сочишга тайёр турган юлдуз ўчди.

**Акбар ЮНУС**

*Яхшилар ёди*

# УСТОЗЛАР БЎСТОНИДА

**Боши биринчи бетда**

Улфат домла кўп йиллар давомида Андижон педагогика институтида бош бухгалтер бўлиб ишладилар. Яна шу институтда форс мумтоз адабиётидан талабаларга дарс ҳам берганлар. Домла Шайх Саъдий, Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Камол Хўжандий ва Бедил асарларидан жуда кўп байтларни ёд билар, ўқиб шарҳлаб берардилар. Бир куни Улфат домладан дафтарига дастхат ёзиб беришни илтимос қилдик. Домла кулдилар-да: «Яхшиси, мен ҳам бир шеърни ёзиб бера қолай», деб, Хусрав Деҳлавийнинг ушбу шерини ёзиб қўйдилар:

**Иқболро бақо набувад**
**дил бар у мабанд,**
**Умреки, дар ғурур**
**гузори хабо бувад.**
**Ва-р нест боварад зи**
**манин нуктаи шариф**
**Иқболро чу қалб куни**
**лобақо бувад.**

Ва бундай таржима қилдилар:

**Иқбол абадий эмас,**
**унга кўнгил боғлама,**
**Ғурур билан ўтказган**
**умринг бекор кетади.**
**Агар бу ўгитимга**
**ишонмасанг мабодо,**
**Иқболни терс ўқиб кўр:**
**у «Ло бақо» бўлади.**

Улфат домла мумтоз шеъриятнинг деярли барча санъатларида қалам тебратганлар. Ғазал ва маснавий, рубоий ва чистон, мўраббаъ, мухаммас ва таржеъбанд, қасида ва марсиялар, шеърий тарихлар, шеърий мактублар ёзганлар. У киши йиллар давомида Ғафур Ғулом, Ҳабибий, Чархий, Сайфий, Воҳид Абдуллоҳ, Собир Абдуллоҳ ва бошқа дўстлари билан хат ёзишиб турган. Бу мактубларнинг кўпи шеър ила ёзилган эди. Афсус, уларнинг ҳаммаси сақланиб қолмаган.

...Ҳабибий домла қадрли дўсти Улфатдан мактуб оладилар ва хат келганини билдириб ғазал-жавоб ёзиб юборадилар. Ғазалнинг матлаи бундай:

**Азизим, келди сиздан**
**бир ажойиб дилрабо**
**мактуб,**
**Қўлимга бахт учун**
**қўнди, бўлиб гўё**
**хумо мактуб.**

Байтнинг гўзаллигини қаранг. Айниқса иккинчи мисрадаги маънога эътибор беринг!

Улфат домла ҳам бу ғазал-мактубни олгач, жавоб ёзадилар. Жавоб янада ғаройиб: ғазалга мухаммас боғланиб, мухаммас-мактуб бўлиб, Андижондан Тошкентга парвоз қилади. Мухаммаснинг охирги бир бандини келтирамиз:

**Садоқат ёру дўстлар Улфати бўлгач ширин айём,**
**Кўзимга сиз юборган руқъа гўё бир жаҳон**
**инъом,**
**Нигорон кўзларим тўрт эрди, ул ёндин кутиб**
**пайғом,**
**Билурсиз телба кўнглим, телбараб, олмас эди**
**ором,**
**Табаррук деб Ҳабибий, ёзмасам бир парча то**
**мактуб.**

Устоз Улфат домладан: «Мушоараларни қандай ёзар эдинглар?» — деб сўраганимизда, бундай жавоб бергандилар: «Дўстлар билан суҳбат қурилганда баъзан аҳли мажлис завқланиб, мушоара қилига майл пайдо бўларди, ёки бирор воқеаъ мушоара ёзишга сабаб бўлиб қоларди. Масалан, Боқий домланинг янги этик кийиб келганлари бир катта мушоарага сабаб бўлган, бошқа бирига эса хонанда Саттор Ярашевнинг тўйи сабаб, яна бирига Етим Бобожоновнинг ҳеч минилмаган машинаси, Маҳжурийнинг укаси шоир Ашкий вафоти муносабати билан Боқий домла, Ҳабибий домла ва мен учаламиз Усмон Юсуповнинг ҳузурида эдик, — деб ҳикоя қилганди Имодиддин ака, — 1946 йил баҳори эди. Шеърият ҳақида сўз борганида мен бир байт ўқидим. Шунда Усмон ака: «Сизларнинг мушоараларингизни ўқиганману, лекин қандай ёзишингизни кўрмаганман», дедилар. Бунга жавобан Боқий домла: «Изҳори фазилат қилинди, энди унинг исботи керак. Имодиддин, бир нима денг», дедилар. Қоғоз ва қалам ҳозирланди.

Шу суҳбатда Усмон Юсупов илтимоси билан мушоара ёзилди. Ушбу асар чустлик машҳур Муҳаммадхон ҳофизнинг бир суҳбатимизга келишга ваъда бериб, келмагани учун шикоят оҳангида ёзилган:

Улфат: **Келмади хушхонимиз, кўп интизор**
**айлаб кеча,**
**Суҳбатининг бодасига**
**бадхумор айлаб кеча.**
**Боқий: Кундузи ваъда бериб келмоққа, бизни**
**кутдириб,**
**Кетди аммо ўзгаларни**
**ўзга ёр айлаб кеча.**

Маҳжурий: **Мурғи қудсийларни элтиб тийрадил**
**қилди рақиб**
**Рашк ўтидин**
**кўксимизни доғдор**
**айлаб кеча.**

Улфат: **Накди жонни туҳфа қилсак, «арзимас бу нася» деб,**
**Ғайрлар накдини кетмиш ихтиёр айлаб кеча.**

Сайфий: **Нағмайи Довудидин жоҳ аҳлин этди тоза руҳ,**
**Аҳли диллар хотирини тор-мор айлаб кеча.**

Улфат: **Ўлтурурмиз деб эдик, учди ҳавоға ул тилак,**
**Ялла бирла соз танбуру дутор айлаб кеча.**

Маҳжурий: **Қайси гулшан сори учди, Андижон булбуллари**
**Кўксимизни ғам тиконидин фигор айлаб кеча.**

Маҳжурий: **Жон фидо айлайлик, эй чарх, этмагил кажравлиғинг,**
**Ўтказайлик шодликдин ифтихор айлаб кеча.**

Доғий (Хуррам): **Қайси соҳиб-бахтлар базмига биздин ёширин,**
**Бордилар ширин адолик ошкор айлаб кеча.**

Маҳжурий: **Қилди доғ ўзни тутиб Маҳжур, Улфатдан улар,**
**Хома чекди дўстлар, Сайфий шумор айлаб кеча.**

Улфат домла шунга ўхшаш кўпгина мушоараларда қатнашганлар ва ҳозиржавоб бўлганлар. Мушоара ёзилиши бундай кечар экан: суҳбатдаги бирор шоир маълум мавзуда бир мисра, ёки бир байт, ёхуд икки-уч байт ёзиб ўқиб берар, сўнг бу варақ ўртага қўйилар экан. Шеърни давом эттиришга тайёр шоир бу варақни олиб ёзар ва эшиттириб ўқир экан.

Улфат домла Жомий, Паҳлавон Маҳмуд, Хусрав Деҳлавий ва Бедил асарларидан таржималар қилганлар.

Биз ёшлар Тошкентдай пойтахт шаҳарда, маданият марказида, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Ғафур Ғулом, Шайхзода, Миртемир, Мирзакалон Исмоилий каби катта санъаткорлар суҳбатидан баҳра олиб, нашриётлар, редакциялар муҳитида яшаяпмиз, деб, озми, кўпми ғурурланиб юрардик. Ўзимиз туғилиб ўсган вилоятга бориб, Андижонда шу қадар юксак маърифат соҳиблари, фозил одамлар даврасини кўриб, ўзга бир оламга кириб қолгандай ҳис этардик ўзимизни. Бу устозлар биз ёшларга шу қадар эътибор ва эҳтиром билан муомала қилар эдиларки, биз ғўрлигимизга бориб, улар ҳақида «ғазалнинг вазн ва қофиясини билиш билан чекланган одамлар, булар ижодида ватан, миллат, адолат, ҳақиқат муаммолари кўринмайди», деб ўйлар эдик. Аммо, биз янглишган эканмиз. Бу зотлар бизга ўхшаб, китоб чиқариб, шоншуҳрат топишни ўйламайдиган, вожибул-вужуд, дил оламини, тасаввуфни чуқур тушунадиган ва сўфийлар, шайхлардек яшайдиган, айтган сўзларига доимо амал қиладиган, иззу жоҳ, кибру ҳаво, фойда, мол-дунё ҳавасларидан покиза, нодир инсонлар экан. Жуда ғўр ва ёш бўлсак ҳам, устозлар бизнинг ҳар боришимизда оддий кунни байрамга айлантириб юборишар, «Тошкентдан азиз меҳмонлар келган», деб бир-бирларига қувониб хабар беришар, бизнинг ҳурматимизга хос меҳмондорчиликлар, шеърият ва ашула базми бошланарди.

Орадан кўп йиллар ўтиб, энди англасак, Анисий, Ҳабибий, Боқий, Тўхтасин Жалолов, Имодиддин Улфат, Қосимжон Охунов, Амониллоҳ — Боқир, Маҳжурий, Сайфий каби табаррук зотлар бизнинг авлодлар учун азиз ва нодир меҳмонлар экан. Энди суҳбат, давраларда ул зотларнинг покиза руҳлари бизга меҳмон бўлади. Аммо биз бу меҳмонларга муносиб эҳтиром кўрсата олармикинмиз?..

**Урфон ОТАЖОН,**
**Маҳкам МАҲМУД**

### ГУВИЛЛАР ДАРЁШАШТ ЧОРБОҒ...

Ғазал

**Ошиққай тўйга юлдуззор, замин барқитоб келди**
**Бугун тўйбоши бўп бунда, ловиллаб офтоб келди.**
**Ғазаллар зарқанотидан учиб, оташга тушдим ман,**
**Ажаб! Гулханда ёнмоққа бу жон мойилу боп келди.**
**«Дилингизга қуёш қўнсин, изингизда баҳор унсин»,**
**Дея куйлаб бу сийнамда жаранггос бир рубоб келди.**
**Муборакбод этиб кўкда Сомон йўли чароқлайди,**
**Магар шу нурда умрингиз зиёси бениқоб келди.**
**Гувиллар дарёшашт чорбоғ. Шамол гул дафтарин ёзди.**
**Баайни Шавкату Дилфуза ишқидан китоб келди.**
**Тиларман сизга бахт тоғин ва лек, укдим кўзингиздан:**
**«Ҳали юлдузга чиққаймиз!» — деган ёниқ хитоб келди.**
**Муродингизга етгайсиз, Ватанни жаннат этгайсиз.**
**Ки бўронла Ғулом қалби бу йўлда баршитоб келди.**

### МЕН ҲАМ АСАЛАРИМАН

**Мен ҳам асалариман.**
**Заҳмат билан тирикман.**
**Одамларнинг қувончу**
**Кулфатига шерикман.**

### НЕТАЙ?

**Ташналаб йўлчиман, о лоларухсор.**
**Яна қўмсаб келдим бир кўришга зор.**
**Нетай нола солиб бу дили бирён**
**Дўзах оташида куйласа бедор?**
**О найлай доимо юрагимдасан,**
**Нафасим, жонимда, тилагимдасан!**

### БОҚКИ ГУЛИМ...

**Боқки, гулим, маст бўлайин ман.**
**Қуёшга ҳамдаст бўлайин ман**
**Умримки мудом оловда ёнгай,**
**Оташларда пайваст бўлайин...**

### БАҲОРИЙ СИРЛИ ОЛАМ

**Билмадим, наврўзи олам қалбима пайвастами?**
**Ё баҳор қалбимдан унган унга бир нафис гулдастами?**
**Минг навою минг шалола жўш урар сийнам аро,**
**Ё баҳорий сирли олам жисмима баржастами?**

### ГУЛ САРВИ

**Қиш чоғи бўронда қайдандур елиб,**
**Атиргул тўпига лахча чўғ тушди.**
**Қор устига қўнган қуёшдан бўлиб**
**Гул сарви нур сочиб ёндию ўчди.**

**Сўнг шамол совуриб кетди кулларни**
**Оловнинг на ўзи, на изи қолди.**
**Фақат ер бағрида атиргулларнинг**
**Баҳорга кўз тиккан илдизи қолди.**

**Ғулом ИСМОИЛОВ**

Миллий Тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г —0532.
3526 нусхада босилди.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 33-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи — Бектемир ПИРНАФАСОВ
1 2 3 4 5 6